



ФОЗИЛ ЗОҲИД

# ГУЖУМЛАР ДИЁРИ

ШЕЪРЛАР, ҲАЖВИЁТ, ДОСТОНЛАР

Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1977

**Зоҳид Фозил.**

**Гужумлар диёри. Шеърлар,  
ҳажвиёт, дostonлар. Т.,  
Адабиёт ва санъат нашриёти.  
1977.**


**184 б. расм.**

Хоразм... Инқилоб доҳийси кўксига нишон таққан, улкан иншоотлар, асрий обидалар ва азим гужумлар диёри. Шoir Фозил Зоҳид уни ана шундай поэтик алоқадорликда тасаввур қилади. Шoirнинг эллик ёшга тўлиши муносабати билан тартиб берилган ушбу тўнламга энг сара лирик шеърлари, ҳажвиёт, тўртаклари ва дostonлари жамланди.

**Захид Фазил. Край карагачей. Стихи, сатира, поэмы.**

**Уз2**

3  $\frac{70403-7}{852(06)-77}$  23—77



**ГУЖУМЛАР  
ДИЁРИ**

Кўҳна Жайхун тўлиб мавж урган жойда  
Бир юрт бор бергусиз қуёшга — ойга,  
Эрамдан зиёда кўржа, чиройда,  
Ҳар гарди кўзга нур, жоннинг мадори,  
Гужумлар диёри.

Қадам қўйган жойнинг бунда тарихдир,  
Бир лавҳаси яқин, бири дарнғдир,  
Ҳар қайси обида бир муаррихдир,  
Гувоҳ Тошқовлиси, Калта минори,  
Гужумлар диёри.

Ал Хоразмий ётган даргоҳ бу қутлуғ,  
Беруний номидир фан уфқида туғ,  
Ақли заррасидан бир қитъа ёруғ,  
Буюк алломалар — эл ифтихори,  
Гужумлар диёри.

Гоҳ жаҳоншоҳ бўлди, гоҳ қарам буткул,  
Эзгу умидларга лекин қолди қул,  
Жайхундан ҳатлаган самовий дулдул,—  
Мард Жалолиддиннинг учқур тулпори,  
Гужумлар диёри!

Шеърят илк бора шунда туғилган,  
Шоир авлиё деб шу юрт сиғинган,

Давралар Оролдек тўлқинли, улкан,  
Паҳлавон, Огаҳий, Мунис ашъори,  
Гужумлар диёри.

Бунда олти ярим шошмақомий соз,  
Ҳаётдир Муганний, Шерозий мумтоз,  
Токи Ҳожихондир барига устоз,  
Комилжон рубобин узилмас тори,  
Гужумлар диёри!

Инқилоб доҳийсин сийлаб чинакам,  
Олий нишон тақди, кийдирди тўн ҳам,  
Воҳа қуёшидек меҳри мужассам —  
Бошга кўтаргани — ўз халоскори,  
Гужумлар диёри!

Қўш нишон порлаган байроқ бундадир,  
Оқ олтин қайнаган булоқ бундадир.  
Пойгалар бошланса — улоқ бундадир,  
Ўзбек элидаги ғолиб сувори,  
Гужумлар диёри.

Йигитлари шоввоз, танги, мардона,  
Дўсовга ёзсанг оз «Искандарнома»,  
Ободон, Угилжон — сафдош дугона,  
Пўлат бедовларнинг жиловбардори,  
Гужумлар диёри!

Бунда Туямўйин — мардлар майдони,  
Бунда тикланур зўр ҳаёт уммони,  
Боғларга буркай деб чўлни — саҳрони,  
Қатъийдир халқимнинг азми қарори,  
Гужумлар диёри!

**Партия раҳнамо, йўллар ойдиндир,  
Қўшиғимнинг боши қутлуғ жойдиндир,  
Сўрсангиз, Фозило, аслинг қайдиндир,  
ХОРАЗМ, Ватаннинг сўлим гулзори,  
Гужумлар диёри!**

Эй, қуёш элининг ҳаётбахш наҳри,  
Нега жимиб қолдинг сершовқин Аму?  
Қўшиқми тинглайсан? Мақомлар сеҳри  
Сархуш қилдими ё? Не сукунат бу?

Назаримда дарё тилга киргандек,  
Хомушлик бойсин қилар у изҳор:  
— Энди кетмас шўхлик, басдир қайсарлик,  
Гар мен тулпор эсам, чавандозим бор.

Жиловдорим борки, мен измидаман,  
Жўшқинлигим ўтди қалбига унинг.  
Қаёққа буюрса — ўша издаман,  
Қойил қилмиш мени алилиги унинг.

Ҳа, жўшқин куйлар ҳам тингламоқдаман,  
Бу куйлар таралур Туямўйиндан.  
Жим туриб қоламан баъзи чоқда мен  
Хушхабарлар тинглаб воҳа қўйнидан.

Инсон иродаси забт этмиш мени,  
Умрим кечар унга мангу хизматда.  
Кўксида ярқираб Меҳнат ордени,\*  
Соҳилларим бўйлаб Ильич кезмоқда.

---

\* В. И. Ленинга 1922 йилда Хоразм элидан берилган орден.



## ШУНДАЙ ЯШАГИНКИ...

(Ўғлимга)

Ҳаёт-ку дунёда абад барқарор,  
Лекин яшаш билан яшашда фарқ бор.  
Ўғлим! Қалбинг уммон бўлиб яшагин,  
Дардни кўрсанг дармон бўлиб яшагин.  
Дўстлар парвозига қанот бўла ол,  
Ташналарга оби ҳаёт бўла ол.  
Бузуқ қонга нашта бўлсанг розиман,  
Ғанимларга ханжар бўлсанг розиман.  
Мададсизга тирак бўлгин умрингда,  
Одамларга керак бўлгин умрингда.  
Тутаб юрма, олов каби ёниб ўт,  
Агар булут эрсанг, чақна, ёғиб ўт  
Денгизда дур бўлгин, чўлда эса боғ,  
Мушкуллар олдида қаддинг бўлсин тоғ.  
Қур демасман сенга кўк ўнар минор,  
Яхши ният билан эк бир туй чинор.  
Айрилма халқингдан, азиз элингдан,  
Умрингга улги ол бобонг Лениндан!

## ҲАҶИҚАТ

Токи ҳақ барқарор, замини замон  
Мусаффо, фароғат, офатдан омон.  
Яхшилар дилининг нақши у ҳар чоқ,  
У одил кишилар қўлида байроқ.  
Ва лекин баъзида ёлгон ва ғараз  
Ҳақиқат тўнидан киярлар либос.  
Гоҳ у ён судрарлар, гоҳ бу ён уни,  
Ёруғ кунни қилиб ялдоннинг туни.  
Гоҳ поймол қилинар, қолар бўҳтонга,  
Гоҳ қамаб қўйишар уни зиндонга.  
Кимнинг қасди уни ўтда ёндирмоқ,  
Кимнинг гаразидир эгмоқ, синдирмоқ.  
Ўлдирган бўлишар уни фаразан,  
Устига тупроқ ҳам тортарлар баъзан.  
Лекин, ҳаммасига чидар Ҳақиқат,  
Тупроқ остидан ҳам чиқар ҳақиқат!

## ФАЗОГИРЛАРГА

Эл фахридир бугун фазогир,  
Омон қайтинг, қилманг мунтазир.  
Гарчи бунда она-Ердамиз,  
Гўёки сиз билан биргамиз.  
Ошиқ бўлиб юлдузга сизлар,  
Кўкда узоқ қолманг, азизлар.  
Соғинтирманг, қайтинг Ер сари,  
Сизни кутар Ер юлдузлари

## ГИЁҲ

Салом, эй момо ернинг бағридан унган гиёҳ,  
Сенга эрур мураббий сахий қуёш, сув, ҳаво,  
Лекин тириклигингга фақат бир фасл гувоҳ,  
Шундай қисқа умрингдан айтгин надир муддао?!

Менинг яшиллимдир менга гиёҳий забон,  
Ҳикматларим айлагай уни тушунган инсон.  
Гарчи умрим сабоғи бир фурсат, биргина он,  
Ҳар баҳор уйғонишим абадийликдан нишон.

## ҲАСАН-ҲУСАН

Қариндошим, биродарим,  
Жон жигарим қарақалноқ.  
Бағринг билан туташ бағрим,  
Бирдир рўзгор, қозон-товоқ.

Ен қўшнимсав, жон қўшнимсан,  
Бир томир, бир қон қўшнимсан.  
Сийнанг ўхшар хазинага,  
Дур-гавҳарга кон қўшнимсан,

Ғолибларнинг даврасига  
Карвонбоши бўлиб келдинг,  
Етиб зафар маррасига  
Қалбинг тошиб-тўлиб келдинг.

Оқ денгизда яшил кеманг,  
Шинтоб билан сузиб келдинг.  
Аргумоққа қамчи босиб,  
Зўр пойгада ўзиб келдинг.

Ярқираган пешонагда  
Инжу терлар сизиб келдинг.  
Қимизни сал дам олиб ич,  
Тез-тез юриб, қизиб келдинг.

«Қирққизобод» қизларидир.  
«Оқ олтин»нинг ошиқлари.  
Пахтакорга қанот бўлди  
Ойимхоннинг қўшиқлари.

Амударё рапорт берса,  
Қутлагум бор, жим турмасман.  
Хўжайли-ю, Шуманайни  
Гурланимдан кам кўрмасман.

Қорақалпоқ ҳам Хоразм,  
Эгиз элмиз Ҳасан-Ҳусан.  
Тўйнинг қутлай қўлда созим,  
Гуллаб яшна, сўлим гулшан!

## ХУШ КЕЛИБСАН!

Жон жигарим, туғишганим,  
Жондан ортиқ қозоғимсан.  
Юрак шеърим бағишладим,  
Сен ардоқли қўноғимсан.  
Амударё бўйларига  
Хуш келибсан, жон устига.  
Ғайрат қўшдинг, «ҳорманг» дея  
Хуш келдинг, хирмон устига.  
Ташрифингдан дўстлар боши  
Кўкка етди Хоразмда.  
Абай, Жамбул қўшиқлари  
Янграб кетди Хоразмда.  
Қалбинг каби пешонанг кенг,  
Кўксинг Тиёншон десамми?  
Дон хирмонинг осмонга тенг,  
Бағринг дастурхон десамми?  
Тўқлик рамзин кўрдим: қирда  
Қўй-қўзилар маърағанда,  
Уйларимиз исисин деб,  
Олов тутса Қарағанда!  
Саховатли қардош қозоқ,  
Балли деймиз ҳимматингга.  
Куйларингга диллар муштоқ,  
Минг офарин санъатингга!

(Халқ оҳангида)

Одамзод бемурод бўлмас,  
Бахт меҳнатсиз бунёд бўлмас.  
Инсон қўли — гул дейдилар,  
Боғбонсиз боғ обод бўлмас.

Машаққатсиз йўқ касбикор,  
Устанинг ҳам устаси бор.  
Ҳамма қушлар эмас шунқор,  
Қар тош қазган Фарҳод бўлмас.

Бўлсанг ҳамки катта олим,  
Яқин юргин халққа доим.  
Ҳаётдан ол тинмай таълим,  
Бундан яхши савод бўлмас.

Камтар эрур мудом доно,  
Тан олади қилса хато,  
Кимда ошса кибру ҳаво,  
Унинг қадри зиёд бўлмас.

Дўстга ишон синаб-синаб,  
Сийловин кўр сен ҳам сийлаб,  
Жононга ет жонинг қийнаб,  
Дўстсиз ҳаёт — ҳаёт бўлмас.



Ўғри юрар қўрқа-писа,  
Қўлга тушса, олар «ҳисса»,  
Қинғирликнинг умри қисқа,  
Ҳақ иш узоқ барбод бўлмас.

Фарзанд ўсса тантиқ, эрка,  
Фойда келтирмаса элга,  
Қаратади юзинг ерга,  
Бундан ёмон иснод бўлмас.

Ҳар дамда бўлгин эл билан,  
Сир айтиш аҳли дил билан,  
Суҳбат айла Фозил билан,  
Соз, суҳбатсиз дил шод бўлмас.

Ғурур, шараф ҳисси қонимизда бор,  
Қалбимиз азалдан монанд оташга.  
Юксакни кўзлашиб бобо калонлар  
Толпикиб ўтмишлар Нурга, Қуёшга.

Қадим Хоразмийлар ворисларимиз,  
Меҳримиз қуёшдир, оловли танмиз.  
Қайдансиз десалар ёр-дўстларимиз,  
Аму бўйларида — Хоразмданмиз!

Тарихни сўрсангиз, бу эл қадимий,  
Асрлар изи бор ҳар ғишт, ҳар тошда.  
Бобонг ким десангиз — улуғ Беруний,  
Тенги йўқ аллома, ҳозир минг ёшда.

Хоразм — раҳнамо бўлиб Инқилоб,  
Толеи юлдузи кулиб боққан юрт.  
Доҳийга меҳрини қилиб офтоб,  
Лениннинг кўксига нишон таққан юрт.

Хоразмки, донгдор ўзбек элида,  
«Оқ олтин» қайнаган чашма демакдир.  
Бунда ҳар бир деҳқон пахта илмида  
Туғма истеъдодли академикдир.

Бу элнинг иқболи кундек кулади,  
Дилда Ватан ишқи, меҳнат напъаси.  
Мана, Туямўйин! Бунёд бўлади  
Улкан наҳрулҳаёт ва нур чашмаси.

Азиз эл, тасаддуқ сенга жонимиз,  
Бағрингда бахт тондик, умрлар узун.  
Меҳнат-ла улуглаб яхши номимиз,  
Ёдгорлик қурамиз ўзимиз учун!

Шовот ённинг суви шовлаб оқиб кетди.  
Ғолибларга иқбол кулиб боқиб кетди.  
Ўтган йилдан чала қолган ишлар талай,  
Анқайганини карвон туртиб-қоқиб кетди.

Ферма мудир тоқайгача дам олади?  
Қон-қоп ваъда бериб, сутни кам олади.  
Ёзда хашак жамғармасдан беғам юргач,  
Қишда моллар қовурғаси саналади...

Ранс бува, сўзингизда туриб беринг,  
Болаларга боғча-ясли қуриб беринг.  
Қачонгача радио гунг-соқов турар?  
Монтёрларнинг қулоғини буриб беринг!

Ҳой, ёшулли! «Алайкум» денг берсак салом,  
Шийпонларда нега пишмас ширин таом?  
Чўмилмасдан юрамизми қиши билан?  
Ростин айтинг? Битармикин бу йил ҳаммом?

Қизларда зўр модаларга орзу-ҳавас,  
Қишлоқда ҳам ательелар очмай бўлмас.

Соқол ўсиб етаёзди бир қаричга,  
Сартарошсиз чеккан жафо етади, бас!

Киритмаймиз даллолни мол бозорига,  
Орамизда жой йўқ ялқов, безорига!  
Биродарлар, янги йилда ҳушёр бўлинг,  
Шумғиялар кирмасин эл гулзорига!

## ЛОЧИН

*(ЎзССРда хизмат кўрсатган механизатор  
Ҳалима Ҳошимовага)*

Пойгага шай «пўлат от» —  
Тинмай елиб борасан.  
Лочиндек кериб қанот,  
Тилло териб борасан.

Қуёш порлар, нур тўкин,  
Кўз қамашиб боради.  
Тоғлар билан «оқ олтин»  
Бўй талашиб боради.

Мени шайдо қилиб санъат гулзори,  
 Куй билан гул очмиш умрим баҳори.  
 Мусиқий бир тугён қайноқ қонимда,  
 Қўшиқ жозибаси руҳим — жонимда.  
 Халқим ҳаётини, орзуларини,  
 Бахтини, дардини, туйғуларини  
 Тараннум айладим қўлда олтин соз,  
 Қўшиқларим қилди юрт узра парвоз.  
 Булбул эдим тилда гулшаним мадҳи,  
 Дўстлик таронаси, қардошлар бахти.  
 Юракларда олов ёқиб куйладим,  
 Амудек мавж уриб оқиб куйладим.  
 Гоҳ Навоийга жўр қилдим торни,  
 Машраб бўлиб гоҳ изладим ёрни.  
 Огаҳий носаси гоҳ овозимда,  
 Муқимий, Авазлар янграр созимда.  
 Тоҳирман, Зуҳра деб жоним берибман,  
 Шоҳсанам ишқида ёнган Ғарибман.  
 Халқ ижоди — кондир, мен эса кончи,  
 Менга неки насиб — дарёдан томчи.  
 Шерозий, Ҳожихон, Бола бахшилар,  
 Рубобим авжига зўр авж бахш қилар.  
 Беноён Ватаним мадҳига қўшиб,  
 Шу буюк замонни куйладим жўшиб.  
 Менинг қўшиқларим — юртга қасида,  
 Ҳаётим, ижодим — халққа бахшида!

## КАПИТАН

*(Социалистик Меҳнат Қаҳрамони  
Ободон Дўсовага)*

Тонг чогида парвоз қилган лочинми, шунқормикан?  
Ул суворий Ойбарчинми, мингани тулпормикан?  
Чин муҳаббат мадҳин айтиб куйлаган шўх яллалар  
Бир ошиқи шайдомикан, ёр васлига зормикан?

Ҳа, у ошиқ чиндан ҳам,  
«Оқ олтин»нинг шайдоси.  
Қўшиғида мужассам,  
Ёниқ юрак садоси.

Оппоқ елкан ҳилпирайди дарёнинг шамолига,  
Кенг пахтазор кўзгу бўлур ой қизлар жамолига.  
Ҳув «Зангори кема»ларнинг тўлқинига бир қаранг,  
Минг офарин, эй даргалар, касбпнгиз камолига!

Катта пойга палласи,  
Ўзган бедов мақталур.  
Мард қизларнинг сараси,  
Капитан деб аталур.



## ШЕРАЛИ

(Қўшиқ)

Далаларда кезар кўклам нафаси,  
Кенг пахтазор — бойликларнинг чашмаси,  
Юрагида меҳнат завқи, нашъаси,  
Тракторда гумбурлатиб далани,  
Эрта тонгда ишга келар Шерали.

Мўл бўлсин деб элга туҳфа — «оқ олтин»  
Кўрмасин деб қизлар кетмон заҳматин,  
Кўрсатади экинаж — куч-гайратин,  
Тракторда гуриллатиб далани,  
Пахтазорда тинмай елар Шерали.

Куни бўйи «пўлат отдан» тушмайди,  
Колхозида ҳормай-толмай ишлайди,  
Меҳнатидан жонажон эл яшнайди,  
Ҳамма дейди: қандингн ур, Шерали!  
Озод меҳнат гаштини сур, Шерали!

Машинада терди тонна-тоннани,  
Доим ортиқ уддалади нормани,  
Бир хушхабар қувонтирди ҳаммани:  
Москвага сафар қилар Шерали,  
Олтин юлдуз тақиб келар Шерали!

## РАҒАМЛАР СЎЗЛАР

*(Беш йиллик йилари)*

Рақамлар вақтдан сўзлар,  
Режадан, аҳддан сўзлар,  
Аҳд эмас, нақддан сўзлар,  
Нақд бўлган бахтдан сўзлар.

Ишлар — бугун мўлжалда,  
Мўлжал эрта — амалда,  
Шундай қайноқ маҳалда,  
Рақамлар дер: жадалла!

Рақамдан овоз келур:  
Кун кунлардан соз келур,  
Дастимиз дароз келур,  
Зафарлар ишвоз келур.

Ва дер: яшнар юрт бағри,  
Туямўйини — бахт наҳри,  
Наҳрки, Ватан фаҳри,  
Ҳам яралур нур шаҳри.

Рақамларда сир аён,  
Мўъжизага — кенг майдон,  
Уларда йўқдир ёлгон,  
Лек зўр маъно намоён.

Рақамга боқсам, эрта —  
Маъмурлик — ҳамма ерда!  
Халқлар орзуга етар,  
Олам яшариб кетар.

## МАРДИ МАЙДОНЛАР

(Репортаж)

Одимловчи гигант экскаватор  
Шахдам юриб борар мисли паҳлавон.  
Бир дамда тупроқдан тоғлар яратар,  
Ҳадемай битади улкан котлозан.

Азим машинанинг жиловн қўлда,  
Василий Павлович девкор, али йигит.  
Мағрур олға борар, қўллари рулда,  
Ғолиблар сардори, оловқалб йигит.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,  
Майдонда билинар марднинг сараси,  
Бас бойлашлб, ишлар икки азамат,  
Равел — татар, Манас — қозоқ боласи.

Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема,  
Қаторда норлар кўп, юкдап ғам сма.  
Кафтида айланар кўтарма кран,  
Салиманн Ойбарчиндап кам дема.

Григорий — латиш, Феликс — поляк  
Ўзбек Карим билан оға-инидир.  
Павел билан Мамед гўё эгизак,  
Туркман Қўлич — оғайнилар биридир.

Канал трассаси бўйлаб юрсангиз,  
Жасорат майдони дейсиз бу ерни.  
Землесосни бурди янги изга тез,  
Матнийёз манглайдан сидириб терин.

Бири тош портлатар ҳу тепаликда,  
Бетон қориштирар бири қозонда.  
Техника наъраси чиқар фалакка,  
Акс-садо янграр мовий осмонда.

Беш йиллик гигант Туямўйинини  
Бутун халқ — Советлар эли қуради.  
Инсон иродаси, инсон қудрати  
Асов Аму йўлини чўлга буради.

Партия раҳнамо, ушалар орзу,  
Чўлни бўстон қилар бу ҳаёт наҳри.  
Азим ГЭС қурилар, таралар ёғду,  
Нурга чўмилажак воҳамиз бағри.

Қўчқор ота колхозда  
Топган обрў-эътибор.  
Ишлар богда, полизда —  
Ҳар касбнинг ўз гашти бор.

У яратган боғ-роғлар  
Юртининг жамолига зеб.  
Ешлар чолни аташар:  
«Урганч Мичурини» деб.

Мана қутлуг сафарга  
Отланмоқчи оқсоқол.  
Комсомоллар сафига  
Қўшилаётган дер қувноқ чол.

— Мени йўйманг қарига,  
Қалбим ўн саккиз яшар.  
Замон кексаларига  
Навқиронлик ярашар.

Айтсам сўзнинг чинини,  
Бир гап келди ўйинга:  
Рўйхатга ёзинг мени,  
Кетай Туямўйинга.

Яхшидан бог қолади,  
Чўл бағрини яшнатай.  
Богларнинг аълосини  
«Ленин боғи» деб атай.

Иўлга бўлди равона  
Туямўйини богбони.  
Тез кўрсатгай нишона  
Бунёдкорлар бўстони.

## ҚУТЛОВ

Байрам қутлуг бўлсин дўстлар, биродарлар,  
Эй, ҳиммати Аму билан баробарлар!  
Бошлансин шўх яллалару куй-қўшиқлар —  
«Лазги», «Гулноз», «Норим-нерим»,  
«Тановар»лар!

Дастурхонга қўл узатинг, олинг, олинг,  
Гоҳ ашула, гоҳ суҳбатга қулоқ солинг.  
Давра аро етиб келса сизга навбат,  
Агар ўйин билмасангиз дутор чалинг.

Алп йигитлар, олгирликда қарчигаёлар,  
Чевар қизлар, эй кўзлари қуралайлар.  
Сиз олтиндан бунёд қилган тоғлар билан  
Бўй ўлчашар Элбруслар, Ҳимолайлар!

Урнин билган яхши — будир халқ мақоли,  
Янгиариқ — даврамизнинг оқсоқоли.  
Урганч, Хива, Шовот, келинг, тўрга ўтин,  
Ғолиб Гурлан — полвоиларнинг баркамоли.

Зўр пойгада ўзган Богот мардимайдон,  
Ҳазорасп ошиб келди катта доvon.

**Қалби жўшқин Қўшқўпирга минг офарин,  
Ҳамюртларим, сизга балли, тасаддуқ жон!**

**Хоразмнинг одамлари қалби олов,  
Меҳнат қилиб, кунда базм, кунда палов.  
Байрам куни йўллағаймиз, азиз дўстлар,  
Сизга Аму бўйларида салом, қутлов!**



## 8-МАРТ КУНИДА

(Ҳазил)

Оналар, опалар, сингиллар, қизлар,  
Байрам қутлов бўлсин, жондан азизлар!  
Ҳаёт завқи нима, ҳеч бйлармидик —  
Бизларсиз сизлару, сизларсиз бизлар.

\* \* \*

Мунтазирман, жоним, бу дам ташнадек,  
Меҳринг шарбатидан бир қултум ичир.  
Ҳар йилда бир келар бизга ошпазлик,  
Палов тагин олса, хотинжон, кечир.

\* \* \*

Байрамда тўй бўлур, келишди мана,  
Севишган йиғит-қиз бориб ЗАГСга.  
Гиналарни қўйиб икки қайнапа.  
Даврада тушдилар қувноқ рақсга.

\* \* \*

Кеннойим акамга қилар киноя:  
«Бугун иззатдамиз жоним тасаддуқ.  
Қайнанам ҳамда мен хурсандмиз гоят  
Бизга гул тутингу гапирманг қаттиқ».

\* \* \*

Бу байрам барчанинг дилин шод этди,  
Аммо чол бошига «гурбат» солди-ку.  
Кампир қизиникига меҳмонга кетди,  
Чол бечора уйда «бўйдоқ» қолди-ку.

\* \* \*

Хотин буюрдими, беланчак тебрат,  
Шундай улуғ кунда қани «йўқ» деб кўр!  
Йиғлама, айланай, қизим Шарофат,  
Ойинг меҳмонда, ма, эмизикни сўр.

\* \* \*

Чехралар гулгундир, янграсин қаҳ-қаҳ,  
Диллар кўзгусига ҳеч юқмасин гард.  
Қани, азиз дўстлар, кўтаринг қадаҳ  
Қутлуғ бўлсин байрам — Саккизинчи Марг!

Амударё бўйлари  
Тоғ-тоғ олтин, ёр-ёр.  
Олтиндан тоғ яратган,  
Яша, халқим, ёр-ёр.

Тошсоқада сув сероб,  
Ерлар қониқ, ёр-ёр.  
Зўр пойгада ўзибди,  
Янгиариқ, ёр-ёр.

Қатор-қатор карвонлар  
Турнадекдир, ёр-ёр.  
Карвонларга бош бўлган  
Дурғадиқдир, ёр-ёр.

Ҳориб келдик олисдан  
Чой беринглар, ёр-ёр.  
Тўйда тўрдан Хивага  
Жой беринглар, ёр-ёр.

Жўшқин Шовот парвози  
Баланд экан, ёр-ёр.  
Зариф полвон бургутга  
Монанд экан, ёр-ёр.

Юклар ерда қолмагай,  
Қаторда нор, ёр-ёр.  
Пешқадамлар сафида  
Урганч ҳам бор, ёр-ёр.

Ғозовотнинг сувини  
Шарбат денглар, ёр-ёр.  
Қўшқўпирлик мардларга  
Раҳмат денглар, ёр-ёр.

Хушхабарлар дилимга  
Қўшиқ солди, ёр-ёр.  
Донгдор Богот пойгада  
Соврин олди, ёр-ёр.

Минг суворий от қувиб  
Келаётир, ёр-ёр.  
Ҳазорасп бўш келмас,  
Асли ботир, ёр-ёр.

Марди майдон Гурланим  
Гулла-яшна, ёр-ёр.  
Юртим, жондан азизсан,  
Бағринг чашма, ёр-ёр.

Пахтакорим, муборак  
Ҳосил тўйинг, ёр-ёр.  
Тўйга ёр-ёр тўқишни  
Менга қўйинг, ёр-ёр.

## ҚОВУН

*(Хоразмлик соҳибкор Матвафо ака  
Юсуповга)*

Бунча ширин қовунинг,  
Қанди борми ё унинг?  
Асал борми ерингда,  
Шакар борми ерингда?!  
Татиб кўрдим бир тилим,  
Оғзим болга лиммо-лим...  
Ҳисоб эмас зиёфат,  
Мезбон қовун сўймаса,  
Унга ҳамма тўймаса!  
Бизларда бор бир одат:  
Қовунсиз дил тўлмайди,  
Палов — палов бўлмайди...  
— Бўлсин Гурлан юртидан,  
Матвафои сортидан,  
Усган ери — Бўзқалъа,  
Шундай қовун энг аъло!  
Айтиб беринг билсангиз,  
Не бор «Бешак» дан лангиз?  
Таърифласак раводир.  
Турли дардга даводир.  
«Гулоби», «Жийда япроқ»,  
«Шакар палак», «Оқ новвот»,  
«Хомма қовун», «Қариқиз»,  
«Оққош», «Гурвак» десангиз,  
Ҳар бирин бир ҳиди бор,

Ҳар дилнинг ўз диди бор.  
Олтиш навли қовун ҳам,  
Бир-биридан эмас кам.  
Ош бўлсин, дўстлар есин,  
Экканга раҳмат десин!

Чақчақлашиб дам олишга байрам яхши,  
Улфат яхши, гурунг яхши, май ҳам яхши.  
Зиёфатнинг ўз мавруди, шартлари бор,  
Меъёри бор, кайф ҳам бўлса кам-кам-кам яхши.

Хасис бўлманг, қўй бўлмаса, товуқ сўйинг,  
Соқиймисиз, одил бўлинг, тенглаб қуйинг.  
Келинга деб совга харид қилган чоқда,  
Бобой билан кампирни ҳам ёдлаб қўйинг.

Улфатчилик. Чидаб беринг сал ҳазилга,  
Лекин ҳазил, айлаимасин сира зилга!  
Иззат-ҳурмат, одоб-икром бўлсин ҳамроҳ,  
Кайф татимас зарра губор етса дилга.

Куйлашайлик бирга, гармон чалиб келинг,  
Аму жўшқинлигин дила солиб келинг.  
Яқин дўстлар гар меҳмонга таклиф қилса,  
Ёлғиз келманг, кеннойимни олиб келинг.

## ҚИШЛОҚДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Бу кечада чироқ ўчган жой бўлмасин,  
Коньякдан ҳам қўйинг, қуруқ чой бўлмасин.  
Хушёр бўлинг, сиз меҳмондан қайтаётиб,  
Янги кийган костюмингиз лой бўлмасин.

Ҳай, ҳай, қизлар, кўзингиздан, жонингиздан,  
Бизларга ҳам ўрин беринг ёнингиздан;  
Аҳдига чин вафо қилган йилгитлармиз,  
Кечиринглар агар хато ўтса биздан.

Кайф қилингу, аммо беҳад бўлманг таранг,  
Одоб-икром доим керак, кўзга қаранг.  
Улкан хирмон кўтардик деб баланд кетиб,  
Ўзингиздан катталарни сансираманг.

Биёда одат, голибмиз деб кеккаймаймиз,  
Бир-бировга дўст, мулойим, ипакдаймиз.  
Байрам кечи ўтирсак ҳам тоғ отгунча,  
Эртаси кун ишимизга кечикмаймиз.



## ОШИҚ-МАЪШУҚЛАР

(Дуэт)

Ч о л:

Қиёс қилдим юзингни гул-лолага,  
Атлас кийиб ўхшабсан қиз болага.  
Ўғил-келин меҳмонда, кел кампиржон,  
Яйрашайлик, қўл узат пиёлага.

К а м п и р:

Байрам! Майли, лекин кўп қуймасангиз,  
Мен чилдирма чаламан, ўйнасангиз.  
Вой ўлмасам... Етмишга кирганда ҳам  
Ешликдаги шўхликни қуймасангиз.

Ч о л:

Биласан-ку кампиржон, кўнглим санда,  
Нима бўпти, жонгинам, бир ўпганда!  
Мана, байрам совгаси — тилло узук,  
Ишқинг яшар мудомо жону танда

К а м п и р:

Азиз чолгинам, сизга садқа жоним,  
Даврон сурайлик бирга, йўқ армоним.  
Келинг, ўзим кийдирай беқасамни,—  
Қабул этинг байрамда армугоним.

## **Ч о л в а к а м п и р :**

**Бедорингман, жонона, тонг отгунча,  
Бўлай сенга парвона тонг отгунча.  
Юраверсия меҳмонда ўгил-келин,  
Кайф қилайлик мастона тонг отгунча.**

## «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ»

Йўлда борар эди Норбобо,  
Бахтиёрга рўбарў келди.  
Кичкинтойдан чиқмагач садо,  
«Ассалому алайкум» деди.

Бу не ҳолдир, бу не аломат,  
Катта берса кичикка салом?  
Бола хижил бўлди-ю, аммо  
Қўла берди йўлда давом...

Ҳайрон бўлма, Бахтиёр, бу он,  
Нега салом берди деб бобо.  
Инсонийлик рамзидир салом,  
Шошил уни этгали бажо.

## НИМА ДЕРКИН ДАДАСИ

Шермат ака бўш найти  
Сайр этарди боғ аро.  
Савол бериб қистарди  
Дадасини Гулнора:

— Бу нима-ю, бу нима?  
— Бу олхўри, бу олма.  
Табиб кўр-чи бир таъмин,  
Нуқул қанду витамин.

— Бу нима, бу нимадир?  
— Бу пиёз, бу помидор —  
Лаззат қўшар таомга,  
Фойдаси кўп одамга.

— Мана бу-чи, дада, а?  
— Қўйгин, қизим, сўрама.  
Буни дерлар тамаки,  
Сенга ҳеч йўқ кераги.

Тамакида заҳар бор,  
Чекканларга зарар бор!  
— Шунда нечун экасиз,  
Сиз нега нос чекасиз?

Келаси йил тамакни  
Эккани қўймасам-чи,  
Заҳар бўлса, носни ҳам  
Чеккани қўймасам-чи?

Ҳозирча ана шундай  
Гулноранинг ваъдаси.  
Билмадик, бу ганларга  
Нима деркин дадаси?

## «КАСАЛ»

Бир бемор бор ғалати  
Туппа-тузук ҳолати.  
Нимагадир кун оша  
Врачга у келади.

Ўтиради аланглаб,  
Юрагини чангаллаб.  
Кошки врач Жамила  
Дардини олса англаб.


Баъзан берухсат кирар,  
«Кечиринг!» деб эгилар.  
Касалга ҳеч ўхшамас  
Аломатлар, белгилар.

Рентгенда ҳам кўришди,  
Касалликдан йўқ асар.  
Каримжонга не бўлган,  
Ялқовмикан ё қайсар?!

...Амударё бўйида,  
«Касал» йигит уйида  
Ошкор бўлди сир-асрор,  
Кеча никоҳ тўйида.

Комсомолча тўй бўлди,  
Жомларга май қуюлди.  
Каримжоннинг «дарди» га  
Диагноз ҳам қўйилди:

— Врач қизга чиндан ҳам,  
Ошиқ экан бу укам,—  
Жамилахон висоли  
Дардига бўлди малҳам!



## **ТОМЧИЛАР ТОШ ТЕШАДИ**



## ТҮРТЛИКЛАР

Қогоз — дала, уруғ сочар қаламим,  
Оқ бўшлиқда эгат очар қаламим.  
Икки ҳаким — бош ва юрак амрида  
Нурдан ҳосил кўриб яшар қаламим.

Қуёш қуритолмаган кўзнинг ёшин қуритди,  
Қуёш эритолмаган кишанларни эритди,  
Қуёш илитолмаган қалбларни у плитди,  
«Ленин — қуёш» десам мен, балки дерсиз  
камситди...

\* \* \*

Мен Ватани даври билан, даврони билан севдим.  
Ҳар не бори, йўғи билан, имкони билан севдим,  
Қиши, ёзи, гули билан, тикони билан севдим,  
Амр этмади биров — қалбим фармони билан севдим.

\* \* \*

Бир садо янгради. Замин ларзада,  
Зулматни ҳайдади Қуёш лаҳзада.  
«Аврора»! Мазлумга байрам келтирди,  
Шундан бери эски замон азада!

\* \* \*

Меҳнатдир инсонни қилган ҳам нисон,  
Меҳнатдир инсоннинг қадрига мезон.  
Меҳнатни онага ўхшат ва ишон:  
У тугар эгизак фарзанд: бахт ва шон.

\* \* \*

Меҳмон мамнун, мезбон хурсанд — дастурхон  
очик бўлса.  
Дилни дилга қилар пайванд дастурхон  
очик бўлса.  
Туз-нон ҳаққи-ҳурматида инсонийлик  
рамзи бор.  
Кин-адоват йўллари банд дастурхон  
очик бўлса.

\* \* \*

Бир коса сув билан озаймас чашма,  
Бир коса сув билан қонар бир ташна.  
Ташнага сув бахшиш қилган билан тенг,  
Бир ғамгин дилни шод қилсанг, эй, ошна!

\* \* \*

Хонадонга келди-ю, бўлди азиз, муҳтарам,—  
Сзода келин уни ардоқлаб тутди ҳар дам;  
Писла асли зотин эсдан чиқарди кам-кам:  
Жисми хок эканини, ясаган кулолни ҳам.

\* \* \*

Дилни дил суғорар булоқ мисоли,  
Менинг қувончимдир — дўстлар висоли.

Ғамли куним эса танҳолигимдир,  
Ҳаёт — ҳаёт эмас дўстлардан холи.

\* \* \*

Неки бор, интилса юксакка агар,  
Барин олижаноб дема, биродар.  
Билки, парвоз билан парвозда бор фарқ,  
Чанг ҳам учар, кўкка тутуш ҳам ўрлар.

\* \* \*

Кичикни камситмоқ ақлдан эмас,  
Кўзни кўр қилай дер баъзан қилча хас.  
Чопаётган отнинг қоқилишига  
Туёғи тагида бир парча тош бас.

\* \* \*

Баланд шохда турар бир олма мағрур,  
Ҳеч ким қўл узатмас, дерди ҳали ғўр.  
Ерга тушгач — богбон олди авайлаб,  
Артиб ярқиратди. Камтарликда — нур.

\* \* \*

Ҳар кун овқатидан тежаб бир дирам,  
Бор экан минора қурдирган одам.  
Баланд минорага қараб дебди у:  
— Вой нафс, ютворардинг берсам шунӣ ҳам!

\* \* \*

Бўлган ишга сабаб — ҳар кимнинг ўзи,  
Яъни ўз қилмиши, феъли ё сўзи.

Ҳайвонни боғлашар ўз шохи билан,  
Игнани банд қилар игга ўз кўзи.

\* \* \*

«Янги либос қутлуғ!» деса ёр-жўра,  
Бахил эса қайдан олганинг сўрар.  
Агар богнингга у кўмакка келса,  
Ўтни қолдирару гулларни ўрар.

\* \* \*

Тўнбўйинлар борки, наф бермас элга,  
Аммо айёр тушар охири қўлга.  
Бўйни йўгон эди, ёзмади қалам,  
Бошини йўндилар, солдилар йўлга.

\* \* \*

Ошиқ қўлида қалам чекди ёр ишқида гам,  
Бахил қўлида қалам игводан битди рақам.  
Қалам ёзди ҳақни ҳам, тўқиди ёлгонни ҳам,  
Алҳазар, ҳеч тушмасин нопок қўлларга қалам!

\* \* \*

Йўлда келин келади, йўлда тўй, йўлда байрам,  
Келди тобут рўбарў, йўлда гам, йўлда мотам.  
Мотам кетди йўлига, тўй юрди тўйхонага,  
Чунки шодлик билан гам бўлмагай бир жойда жам.

\* \* \*

Секинроқ юр, эй биродар, бу гумбазлар ёнидан,  
Халқим улуг аждодларин азиз тутар жонидан.

Сукут сақлаб тавозе қил, дилда бўлса ихлосинг,  
Умри нотинчликда ўтган боболар тинч ухласин.

\* \* \*

Ҳар неки меъёридан ошса, бу — зулм,  
Ўзига зулмни раво кўрар ким?  
Май нчмоқ — оромдир, бадмастлик — ҳаром,  
Чўмилмоқ — роҳатдир, гарқ бўлмоқ — ўлим.

\* \* \*

Очликда нон бўлса муҳайё, яхши,  
Тўқликда кишига завқ-сафо яхши.  
Завқ — сафо тошилса, соз — наво яхши,  
Соз-наво ёр бўлса базм аро, яхши.

\* \* \*

Мушук ўйнар ўлжасин, гоҳ эса қўйворарди.  
Қочса урар панжасин, жон эди сичқон дарди.  
Кўрдиму шунда билдим аспрлик нималигин,  
Таслим бўлгандан афзал ихтиёр қилган марғи.

\* \* \*

Бир туп гиёҳ ундирмаган томчига ҳайф,  
Ширин тушнинг лаҳзалик қувончига ҳайф.  
Кимки йўқни изласа, топа олмаса,  
Борлигига аминлик — ишончига ҳайф!

\* \* \*

Йўқ деса бекордир ким аждаҳони,  
Излаб сарсон бўлма тоғни, саҳрони.  
У ўз вужудингда. Аждаҳо — нафсдир,  
Бўйини кес, солмасин бошга балони!

\* \* \*

Дунёда гоҳ учрар қабоҳат ишлар,  
Орқангдан мушт қисиб, юзга кулишар.  
Орада йўқ эмас шундай гусха ҳам,  
Биров тиши билан бировни тишлар.

\* \* \*

Гиргиттондир нечалар жиғилдон фармонида,  
Баъзан бировнинг қўли бировнинг ҳамёнида.  
Учрармиди ҳаётда бундай ажаб савдолар,  
Бўлса виждоннинг қўли нафсининг гирибонида!

\* \* \*

Унинг сийнасига қўйсак оёқ,  
Топтасак, багрина тилсак-да ҳар чоқ,  
Она-Ер аямас пёматларини,  
Қўйнидан жой берар. Бу ҳимматга боқ!

\* \* \*

Тўқлик яхши, тўқликка шўхлик ёмон,  
Илми бору одоби йўқлик ёмон.  
Аччиқ ҳақиқатни ҳам сучук тилда —  
Айта билгин, қўполлик, дўқлик ёмон!

\* \* \*

Хасис умри ўтар мол йигиб буткул,  
Яширган ерида қолиб кетар пул.  
Роҳатин кўрмасанг, бойлик — уволдир,  
Ўт — исинсанг ҳузур, гар сақласанг — кул.

\* \* \*

Муҳаббатдир дилда ниш урган ниҳол,  
Меҳр суви, парвариш қилур баркамол.  
Бевафолик, шубҳа, турли офатдан  
Сақласанг, насибдир меваси — висол.

\* \* \*

Адоват уруги тушган ҳар ерда,  
«Офат» деб аталмиш шум ўт кўкарар.  
Дўстлик ниҳолини эккан, ундирған —  
Мақсад ҳосилидан хирмон кўтарар.

\* \* \*

Қаҳр устида дўстининг кўзин чиқарган бир  
«дўст»  
Жаҳли тингач сўради айби учун кечирим.  
Гулоҳ кечирилди-ю, кўрга беролмади кўз —  
На сўнгги пушаймону ва на суддаги ажрим.

\* \* \*

Ёрқин юлдузлар кўкда қолур ёруғлиғича,  
Ёрда баъзи мавжудот нурга толпинмаса-да.  
Улуғ инсон тарихда қолур улуғлиғича,  
Унга биров сигиниб, биров сифинмаса-да.

\* \* \*

Етказмасин дея экинга зиён,  
Ўтни юлиб четга ташлади деҳқон.  
Бир куни қараса, ўт яна ўсар,  
Чунки қолган эди илдизи омон.

\* \* \*

Қаёққа имласа, ўйламай борган  
Беқарор кимсага даkki етади.  
Қалбингга тут қулоқ, юр ўз йўлингдан,  
Тешилган тарафга тўп ҳам кетади.

\* \* \*

Ҳимматни дарёдил эрдан ўргандим,  
Оғир юк тортмоқни ердан ўргандим.  
Тинмай думаланиб дур яратишни  
Пешанадан оққан тердан ўргандим.

\* \* \*

Рашкдан холи эмас ошиқлар дили,  
Лек, бадгумонликнинг бўлма мойили.  
Гар шубҳа фатҳ этса ишонч қалъасин,  
Ажабмас рашк бўлса ишқнинг қотили.

\* \* \*

Ғийбатга ишонган бамисли асир,  
Бўйнида чақимчи илдирган занжир.  
Дарвоқе, ўзлигин йўқотган одам  
Биров сўзи билан бировдан ранжир.

\* \* \*

У дарахт тик эди гар қариса-да,  
Каваги бошпана қурт-қумурсқага.  
Бир кун бўрон турди, қулади ногоҳ,  
Жонзотлар айрилди уядан, эвоҳ!



\* \* \*

— Бай-бай, ёнмай ўлгир, ҳўл экаи ўтин,  
Нафасимни бўғди лаънати тутун!—  
Дея бир улфатим сўкди, гижинди,  
Сўнг чўғини мақтаб, роса исинди.

\* \* \*

Чопилган дарахтдан қилдилар савол:  
— Илдиздан ким жудо қилди бу танинг?  
Дарахт деди: «Болта етказди завол,  
Ўзимдан бўлса ҳам сопи болтанинг».

\* \* \*

Сизларга ҳамнафасмап, азиз замондошларим,  
Сиз бореизки, ўлмасман, азиз замондошларим.  
Топсам оби ҳаётни, сиздан қолиб яшашга  
Асло рози бўлмасман, азиз замондошларим!

\* \* \*

Ҳали ёрни топмадинг, сурати сенда, холос,  
Ширин висол дамлари дилда қилур инъикос.  
«Дунё кафтимда» дема, қўлингдаги — глобус,  
Сен аслига таъзим қил, аслига қўй чин ихлос.

\* \* \*

Заррамавки, қуёшга талпинаман ҳар нафас.  
Қатраманки, денгизга қўшилсам — эзгу ҳавас.

Мақсадим — пайванд қилсам жонимни жонлап  
билан,  
Бир сиқим тупроқ бўлсам, ердан айрилмасам  
бас.

\* \* \*

Подшоҳлик чумчуққа стипди ногоҳ,  
Жумла қушлар бўлди бу ҳолдан огоҳ.  
Фалак гардишига тан бериб семург,  
Деди: «Қуллуқ тақсир! Хизмат, шаҳаншоҳ

\* \* \*

Писиб ётган чиркип лўттивоз,  
Бош кўтаргай алғов-далғовда.  
Ғижимланган ташландиқ қоғоз,  
Шамол турса кўтарар гавда.

\* \* \*

Ўзни кўз-кўз қилма, қолдир яхши из,  
Биров яширса ҳам йўқ қилмас борни.  
Тупроқ ичра пинҳон бўлса-да илди,  
Даст кўтариб турар азим чинорни.

\* \* \*

Туҳматнинг охири ёлгонга чиқар,  
Лекин бефарқ юрсанг, бор унда хатар.  
Билки, агар кўмир куйдирмаса-да,  
Сал теккан жойинга қораси юқар.

\* \* \*

Юрак: «Дам азиз!» деб типмай урар бонг,  
Қани бу садога «Лаббай!» деса онг.

Бақтнинг қадрига ет, ўтган дам қайтмас,  
Битмади бир иш, деб отмай турмас тонг.

\* \* \*

Баландда турган билан бош бўлолмас дўппилар,  
Тепғлаша ҳам булутга, томчиламас чўққилар.  
Менсимас балки яшнн ердаги шамни, лекин —  
Шам турар ёниб, яшнн бир лаҳзада йўқ бўлар.

\* \* \*

Ошар кибру ҳавоси водонда мол бўлса жам,  
Ажабдир бу иллатга чалинса доно одам.  
Ўтни ғовлатган ўғит экинга куч бермасми?  
Ўайинқни сурган шамол қўзгайдн кемани ҳам.

\* \* \*

Бахт билан Бахтсизлик касб тақсимлашди,  
Дўстни кўпайтирмоқ — Бахтнинг улуши.  
Дўстларни қийинроқ дамда синашдир,  
Бахтсизликнинг тавлаб олган юмуши.

\* \* \*

Фарзинни бой берди анқов, бетадбир,  
Пиёдадан фарзин ясадп абжир.  
Амалдорлар иши комлиги учун,  
Шоҳ қамалда қолди. Шахматда кўп сир...

\* \* \*

Хаёлки, баъзида билмас чек, нмкон,  
На ерда, на кўкда тин олар бир он.

Гар ҳамроҳ бўлмаса ақл ва меҳнат,  
Манзилга етолмас, юрар саргардон.

\* \* \*

Бир умрда гоҳи паст, гоҳи баланд инсон боши,  
Гоҳ тақдир ўйинида тўнға монанд инсон боши.  
Бу ташбеҳлар эскидир. Кашф этиб тақдирни  
ҳам,  
Кўрдим: бугун фалакда сураб саманд инсон  
боши.

\* \* \*

Булут тарқаб эди шамол,  
Тегирмончи бобо хушҳол.  
— Қачон тинар сабил ел! — деб,  
Ғижнади балиқчи чол.

\* \* \*

Ҳар нарсанинг бўлармиш ўз офати,  
Ёлғон кирса орага — сўз офати.  
Ростликдан касб этар камолотни сўз,  
Ёлғон билан муқаррар ҳалокати!

\* \* \*

Отни тақалашди. Буни кўрган чоқ,  
Ёнида эшак ҳам кўтарди оёқ.  
Аммо ушалмади бу муддаоми:  
— Хомтама қисмати — бенасиб қолмоқ!

\* \* \*

«...Ҳамиша сувим лим-лим,  
Балиқлар ўйнаб бетиним —

Буюк деиғиэман чиидап!» деб,  
Ўй сураp аквариум...

\* \* \*

Гофил бўлма, хатар ўтиб кетар деб,  
Уйни ўтга берма, учқун натар деб.  
Боласин пинжида асрармиш Йўлбарс,  
Чумоли таласа нобуд этар деб!

\* \* \*

Терак тўғри ўсгани учун  
Ҳашаматли саройга устун.  
Эгри ёғоч тушдию қўлга,  
Ўтин бўлди, айланди кулга

\* \* \*

Одамда кўз икки, қулоқ ҳам, қўл ҳам,  
Бу — кўп кўр, кўп тингла, кўп ишла демак.  
Тил битта — оз сўзла, ошқозон битта,  
Бунда ҳикмат шуки, жоиз оз емак.

\* \* \*

— Қайноқ шўрвага ҳам чидайди коса,  
Оғзим нега куяр, дада, иссиқдап?  
— Ўғлим, сен ҳали хом, бу чинни эса  
Хумдон оловида пишиб чиққан.

\* \* \*

Кибру ҳаво кезармиш жаҳон,  
Ўзига мос уй-жой қидириб.

Эҳтиёт бўл, тутмасин макон,  
Ногоҳ дилинг уйига кириб.

\* \* \*

Инсон — табиатни ўзгартирувчи,  
Ҳа, у қодир эрур чўлни қувмоққа.  
Ҳайфки, етмас баъзан одамнинг кучи,  
Ўзин табиатни қайта қурмоққа.

\* \* \*

Одам борки, элга нисор қалб қўри,  
Одам бордир, тутуш кабидир умри.

\* \* \*

Тўқлик боис аксар иллатни,  
Даволаса мумкин очликда фақат.  
Кайф-сафо тугдирган дарду заҳматни,  
Даф этса ажабмас ранжу машаққат.

\* \* \*

Лаҳзални ҳузурга бўлиб харидор,  
Қадрини умрбод бой берганлар бор.  
Бир чакки қадамда қочаркан обрў,  
Югуриб изидан етмоқлик душвор.

\* \* \*

Имкон бўлса қилғум дўстга бахшида,  
Бир гуноҳи учун бор савобимни.  
Ҳижрон кезларида, қилманг илтижо  
Шодликка бермайман изтиробимни.

\* \* \*


Ҳеч ким сезмай қолди, айёр Зарпечак  
Чаманга бош суқди, қуриди райҳон.  
Кошки боғбонимиз бўлганда ссргак,  
Гулзорни сақларди офатдан омон.

\* \* \*

Эгилгани учун бу ёғоч —  
Икки учи илга боғланди.  
Болаларнинг қўлида эрмак,  
Банди бўлди, бағри доғланди.

# ТАРСАКИ





## ИЛТИМОС

(Бир шингил)

\* \* \*

Бошлиққа гап ташлар нуфузли одам:  
«Шермат бир оз суюқ, жиянимиз лек...  
Цехга мудир бўлса қуюлар кам-кам...»  
У мудир бўлди-ю, оқсаб қолди цех.

\* \* \*

Ректор ҳузурида ота дам-бадам,  
«Ўзларида керак эндиги ёрдам,  
Илтижо қилади, қилади таъзим:  
Ўқишга зеҳни зўр бизнинг Мадазим».

\* \* \*

Сопна-соғ бир йигит бюллетень сўраб,  
Роса қотиради врач бошини.  
Докторга ҳам қийин: «Одатга кўра,  
Яхшимас ранжитса қариндошини».

\* \* \*

Кимдир сим қоқади «Хушёрхона» га:  
«Ёшлик-да! Кечиринг, укамиз эди!»  
Шафқат қиламан деб қолди балога,  
Укасида бир кун ўзи мушт еди...

\* \* \*

Адабий ходимга қалин ошнаман,  
Шеърим хом ва лекин юз-хотирим бор.  
Ёлвориб кўраман, гоҳ қашинаман,  
Ўйламай гўр шеър кимга ҳам даркор...

\* \* \*

Бундай илтимослар қачон қолади,  
Дўстлик, шахсий, махфий... тури ҳам сероб.  
Шундан гина, ранжиш газак олади,—  
Дилга ғубор етар, виждонга азоб.  
Илтимосчим, сендан бор бир илтимос:  
Эски бир ҳикматни эслаб қўй сағал:  
«Кимгадир тиз чўкиб яшагунча, бас,  
Тик туриб ўлганинг минг марта афзал!!»

## ТУҲМАТ ҚИЛМА ХАЙЁМГА!

«Умар Хайём майни мақтаган,  
Май ич деган, ичсам нима айб?!» —  
Шуми гапинг, ошна, тўхтагин,  
Идрокингга, тушунчангга ҳайф!

Май эмасди Хайёмнинг дарди,  
Туҳмат қилма, бўлма гуноҳкор.  
У яратган рубойларда  
Зўр фалсафа, теран маъно бор!

Зулмат ичра чақнаб чақмоқдек,  
Йиртди диннинг авра-астарин.  
Эзгу ният, адолат ва эрк  
Безагандир Хайём дафтарин.

Касби гурбат оғусин ютмоқ,  
Бир дам роҳат-фароғат қайла?!  
Лаҳза жаҳон гамин унутмоқ,  
Ҳузур топмоқ бормикин майда?!

Хайёмга хос шу май, шу мазмун,—  
Эрк завқига у ташна эди.  
Ҳаёт майин улашмоқ учун  
Ташналарга сарчашма эди.

Сен-чи? Сенга қайғу-қасрат ёт,  
Тақдирингдан мамнун одамсан.  
Инсоният қўмсаган ҳаёт,  
Сенга ёр, айт, нимадан камсан?!

Ақлинг ойнасига қўнғач занг,  
Оғзингдан ҳам келар сассиқ ҳид.  
Йўлдан чиқиб, ароқхўр бўлсанг,  
Қилдим дема Хайёмга тақлид.

Хайём улуг олим, файласуф,  
Сен-чи? Номинг айтай истасанг:  
Одамларнинг оромин бузиб,  
Дайдиб юрган пиянистасан!

Кеча олсанг, майхўрликдан кеч,  
Ғам-кулфатни солма дилингга.  
Ичасанми, ўз-ўзингча ич,  
Хайёмни қўй, олма тилингга!

## ДАНГАСА

Меҳнатга кам ҳафсала, ошга чопар дангаса,  
Ишла десанг баҳона ўйлаб топар дангаса.  
Ҳовуз бўйи тол-терақ, тагида юшоқ тўшак,  
Беғам, парвойи фалак журрақ отар дангаса.

Муқим турмас бир жойда ундан-бунга сакрайди,  
Эркинни ўт бостирар, ёлчитмай мол асрайди.  
Унга бир иш ишонган одам ҳадиксирайди,  
Бирон-бир кор бўйнига қачон ботар, дангаса.

Чошкагача мириқиб уклаш унинг одати,  
Тўйда юрар кундузи, кечда бор зиёфати.  
Ишёқмаслар улфати, ялқовлар ҳамсуҳбати,  
Сўзи қулоққа ёқмас, бўш гап сотар дангаса.

Ишламасанг, осмондан ёгилган чалпак қайда,  
«Олма пиш, оғзимга туш» дегандан борми фойда?!

Кимки меҳнатдан қочса қадри кетар ҳар жойда,  
Билмадик, ўз қадрини қачон топар дангаса.

## ҚАЛПОҚ

— Ресторанга юр, Ҳасан,  
Қалпоғияғни ювасан.  
Сенга бирам лойиқки,  
Насиб қилсин, тўйга кий...  
Дўстлар шундай қистагач,  
Сигишмади важ-рўкач.  
Ювилди янги қалпоқ.  
Қадаҳлар ҳам «жуфту тоқ».  
Ҳасан кетди маст-аласт,  
Билинмади баланд-паст.  
Лой бўлди ҳамма ёғи,  
Йўлда қолди қаппоғи.  
«Шу кўйи кетсанг, жўрам,  
Йўлда қолар бошинг ҳам».

## БИР ДАРДНИНГ ДАВОСИ

Қабулхонадаман. Рухсат йўқ, лекин,  
Кўп кутдим, тугади тоқату қарор.  
Кабинет карантин, бошлиқ гўёки.  
Юқумли касалга учраган бемор.

Ниҳоят, кирдиму ўтирдим ночор,  
Аммо очмади у пешанасини.  
Чеҳраси тунд эди, қовоғида қор,  
Касалга ўхшатдим башарасини.

Билдим, касал экан бошлиқ, дарвоқе,  
Бечора учрабди оғир иллатга.  
Диагнози «Хроник бюрократ» ки,  
Олди олинмаса хавфли, албатта!

Бордир бундай дарднинг битта давоси,  
Қабул ташвишидан қутқазинг уни.  
Кабинетнинг ёқмай қолган ҳавоси,  
Далада иш кўп-ку, ўтказинг уни!



## ТАКАСАЛТАНГНИНГ КОММУНИЗМ ҲАҶИДА ЎЙЛАРИ

Бемеҳнат ҳам ташвишсиз  
Ноз-неъмат тайёр бўлса.  
Бог яшнаб парваришсиз,  
Мевалар бисёр бўлса.  
Йиллар ҳам ўтса қишсиз,  
Ҳамиша баҳор бўлса.  
Кунларим кечиб ишсиз,  
Тўй бўлса, ёр-ёр бўлса.

Ишламай, экмай-тикмай,  
Дон уюлса хирмонга.  
Қўриқ заҳматин чекмай,  
Чўл айланса бўстонга.  
Масаллиққа қўл тегмай,  
Овқат тушса қозонга.  
Толеимдан айланай,  
Етсам шундай замонга.

Қир ошмай баланд-пастдан,  
Манзилга ета қолсам.  
Ўқиб жон койитмасдан,  
Билимга тўлса каллам.  
Маишат ҳеч битмасдан,  
Авжига чиқса ҳар дам.  
Қани, умрим ўтмасдан,  
Келсайди шундай хуш дам.



Бас энди, такасалтанг,  
Қўй бу хом хаёлингни!  
Бошингни босмасин занг,  
Йиғиштир бу фолингни.  
Сафларга тур, кўрарсан,  
Коммуна жамолини.  
Бу ишга қўшган ҳиссанг  
Келтирур иқболингни.

Бор экан бир иғвогар,  
(Бўлмасайди кошки у!)  
Назари тушса агар,  
Лойқаланаар тиниқ сув.  
Боши ғаразга макон,  
Огзи — туҳматга уя.  
Пок юзларга у пинҳон,  
Тортсам дер қоракуя.  
Шундай юриб ногоҳ у  
Бетобланиб қолибди.  
Томоғидан ўтмай сув,  
Тоза ҳолдан тойибди.  
Бўлса-да беҳол, палаж  
Туҳматини қўймабди.  
Бошқа ҳеч ким бўлмагач,  
Хотинини қийнабди,  
Соғлигимга вақтида  
Қарамадинг яхшилаб.  
Касалимга сен сабаб,  
Ажалимга ҳам сабаб...

Бир ошнам бор эди қушдек беозор.  
Камтарин, кўрсанг гар яна кўргинг бор.  
Қутладик бўлганда базага мудир,  
Кўп ўтмай кўрдиму тишлаб қолдим тил.  
Яқинда кўчада келдик рўбарў,  
Савлатда ками йўқ, кўрсангиз ўҳў!  
Инсонийлик рамзи, иззат-эҳтиром,  
Таъзим ила дедим: «Огайни, салом!»  
Бош қимирлатди-ю, чиқмади овоз,  
Йўлда давом этди қадди мисли гоз.  
Тили лол бўптими ё қулоги кар,  
**Наҳотки манманлик бўлса бу қадар?**  
Дўстлар, такаббурга берган салом ҳайф!  
Хатто инсон деган мўътабар ном ҳайф!

## ХОМТАМА

(Ҳазил)

Қадрдон дўст эдик Эшмат билан мен,  
Тасодиф, бир қизга тушди ишқимиз,  
Унга ҳам, менга ҳам ҳижрон ғами тент,  
Роса мушкул кунга қолдик иккимиз.

— Молни сўра, жўра, жонимни сўра,  
Лекин кечолмайман ўлмай Нурхондан,  
Эшмат шундай дегаҳ, энди не чора,  
Мен ҳам унга ошиқ дилдан, виждондан.

Қиз тушмагур бефарқ, сир бермас асло,  
Равжитай демайди иккимизни ҳам.  
Сўраб кўрай дейман, юрак йўқ аммо,  
Кимни севар экан ўзи чинакам?

Насиб қилар экан кимга бу санам?  
Ишқи бошимизга савдо солди-ку!  
Афсус доғда қолдик мен ҳам Эшмат ҳам,  
Севгани Тошматга тегиб олди у...

Висол насиб бўлди икки муштоққа,  
Кўришди бир-бирин олиб қучоққа  
Қурбон таклиф қилди дўсти Эрматни,  
Кўнгил очишгани кирдилар боққа.  
Аввал бошладилар пивоҳўрликни,  
Сўнг қўшилиб кетди пиво ароққа.  
Йўқ, дийдорга эмас, майга ташналик,  
Уларни ўхшатмиш бу дам чанқоққа.  
Юзлари қизарди лавлаги каби,  
Жўнадилар туриб зўрға оёққа.  
Рўбарў келаркан йўлда ёш жувон,  
Қурбон валдиради — ёқмас қулоққа.  
Қўлбоғ таққан йигит чоғиб келди-ю,  
Уни олиб кетди бугун қўноққа.  
Ҳуш киргач эртаси «Ҳушёрхона»дан —  
Чиқди, аммо аҳвол ўхшар чатоққа.  
Хотини ташлади бир мушкул савол:  
— Меҳмонга бордингиз кеча қаяққа?  
У тубан қаради. Дўстлар, дарвоқе,  
Жавоб бериш қийин бундай сўроққа...

Сўзга бериб пардозни,  
Жаги толар минбарда.  
Гоҳ қизишиб, овозни  
Кўтаради бир парда.  
Қуруқ олиб қочди у,  
Бу гал ҳам аравани.  
«Ваъда битта, айтдим-ку:  
Гуллатамиз чорвани.  
Яшнаб кетди бедалар,  
Урим-йиғимга шаймиз.  
Кучни қилиб сафарбар,  
Хашакдан тоғ ясаймиз».  
Кўрсатар бош бармоқни,  
Ишни бундоқ қиламиз.  
Тошириб сут-қаймоқни,  
Қайнар булоқ қиламиз.  
Аслида-чи? Узлари  
Биринчи сорт ваъдабоз.  
Баланд парвоз сўзлари,  
Ёлғон сероб, рости оз.  
Кузак ўтиб боряпти,  
Тайёр ўт оз, силос кам.  
Ҳануз бузмас пинакни,  
Фермага мудир акам.  
Ухлар ечиб этикни,

Бегам, парвойи фалак.  
Унинг кўнгли дейдики:  
Осмондан ёгса чалпак...  
Доғда қолгай эртага,  
Бутун қуруқ мақтанган.  
Эй, ваъдабоз, ухлама,  
Наф йўқ сўнги «аттанг»дан!



## 1

Кўриб қолдим бир бадмастни,  
 Оёгида туrolмасди.  
 Сўзга аранг қовушар лаб,  
 Оғзидан у қолди гуллаб:  
 — Топгандир жойини — аканг!  
 Омбор хўжайини — аканг!  
 Бошлиғимиз — ўз амаким,  
 Менга керак, айт, яна ким?  
 Бухгалтер-чи? Бизга жиян,  
 Сира раво кўрмас зиён,  
 Қариндошлар қалқон бўлса,  
 Йигит боши эсон бўлса,—  
 Молли бўлар, молсиз бўлмас,  
 Сахий моли танқие бўлмас.  
 Ёшликдан пул ўйнаб ўедим,  
 Қўлим очиқ, кўп зр-дўстим.  
 Қадам боссам баъзан чакки,  
 Ҳеч ким менга берма дакки.  
 Уялади еган оғиз,  
 Қор ёғару босилар из...

## 2

Тасофид-да, йўл эмасми,  
 Кўрдим яна ўша мастни

Бугун анча ҳушёр эди,  
Ароқининг ҳеч келмас ҳиди.  
Ўзгарибди феъли тубдан,  
Ўзи ғамгин, боши тубан.  
Ташлар эди базўр қадам,  
Пагон таққан икки одам,  
Борар эди қоровуллаб,  
Суд олдиға уни йўллаб.

У ёйдек эгилган, ипакдек майин,  
Дер эди илжайиб: «Келинг, хўжайин,  
Қани кастюмингиз чўткалаб қўйай,  
Тўхтаг-чи, тозалай туфлингиз лойин!

Бошлиқни қиларкан қуюқ знёфат,  
Омборчи Норбой дер: «Бўлинг саломат,  
Ган мансабда эмас, уруг-аймоқмиз,  
Дўстлик абадийдир, мансаб омонат.

Бегона эмасмиз, қариндош билинг,  
Тўйда-маъракада бизни бош билинг.  
Тез-тез кириб туринг, эшик кенг очиқ,  
Азалдан жигармиз, кўзу қош билинг».

Узоққа бормади бу кўзу қошлик,  
Орага тушли-ку бу кўнгил гашлик.  
Норбой дер: «Хотинжон, тез эшикни ёп,  
Ҳу ана ўтянти бўшаган бошлиқ!»

Уйда қолиб Мастура кампир,  
 Чучварага қиларди хамир.  
 Эшпк қоқди биров ногаҳон.  
 Фолбин экан. Турқидан аён.  
 Қўйдек ювош, макрда тулки,  
 Миясида хурофот юки.  
 Одоб-икром жойига етди,  
 Сўнгра фолбин чулдирай кетди:  
 «Тақдирингдан сўзлайми, момо?  
 Менга аён ҳар сир, муаммо.  
 Ҳижрон дарди доғлабди багринг,  
 Қоп йиғлатган қизингми, ўглинг?  
 Келиндан ҳам кўрибсан ситам,  
 Ғам эзибди, ўртабди алам.  
 Жин-парилар, ё айюҳаннос!  
 Бу дардлардан бормикан халос!»  
 Фолбин сайрар тўтиқуш каби,  
 Қайнаб кетди кампир ғазаби:  
 — Оғзингни юм, тилинг кесилгур!  
 Тақдиримдан мамнунман, шукур.  
 Ўғил-қиздан эса кўнглим тўқ,  
 Юрагимда ҳасрат-алам йўқ.  
 Келинимдай келин топилмас,  
 Тур, жўнаб қол, ёлгонни қил бас!  
 Кампир тошар, ғазаби қайнар,  
 Қўлда таёқ, фолбинни ҳайдар..

Бир «зўр» эшон бор эди.  
 Нафсга гирифтор эди.  
 Тўлмай қолса ҳамёни,  
 Қовогида қор эди.  
 Назру ниёз кам бўлса,  
 Кечалар бедор эди.

«Шайтонлаган», «жин урган»,  
 Ваҳимали туш кўрган,  
 Бемаҳалда йўл юриб,  
 «Алласти»га дуч келган,  
 Гўл, анқовлар келарди,  
 Ундан нажот тиларди.

Шу ондаёқ битилар,  
 Ичиртки, тутатқилар,  
 Шифо қаёқда дейсиз,  
 Дард устига дард минар.  
 Қолоқлик касофати —  
 Жон ўртамар, мол куяр.

Қайси кун фарзанд тилаб,  
 Келди бир сарв қомат.  
 Эшон дерди ичида:  
 «Хотинмас келди омад».

Нафсу имон талашди,  
Жангда нафс балаид келди.

Шу дам хотин бўйнига  
Эшон секин қўл солди,  
Лекин қилмиши учун  
Тегишли улуш олди.  
Бетида лаънат муҳри —  
Тарсаки ўрни қолди.

## ДАНГАСАНИНГ ҲАФТАСИ

### Д у ш а н б а

Буэилди-ку, машина, йўқмикан бир чораси?  
Кўринмади тушгача инженернинг қораси.  
Дилдагидек бўлмади бугун ишнинг якуни,  
Эртаги кун тортади бугуннинг ҳам юкини!

### С е ш а н б а

Қандоқ юрар машина шабнам қуримагунча,  
Ошда экан улфатлар, бўлмас бурилмагунча.  
Бугун камроқ терилди. Айтсам гапнинг қисқасин:  
Ундирамиз эртага бугуннинг ҳам ҳиссасин!

### Ч о р ш а н б а

Етиб келди машина, лекин дала тахт эмас,  
Бўлди анча машмаша, кутадиган вақт эмас!  
Йигитлар ўт-оловдек, бошида бор телпаги,  
«Пўлат от»лар кучини кўрсатамиз эртага!

### П а й ш а н б а

Қани, ахир, интизом? Бай-бай, чакки қилибди...  
Машинабоп далага ёрдамчилар кирибди.  
Бугун шундақ кун бўлди. Иш бошлаймиз эрталаб,  
Оширади суръатни «пўлат от»лар йўргалаб!

## Ж у м а

Кўкда булут сузмоқда. Терсакми ё термасак?  
Андишамиз: далага бундай кунда кирмасак.  
Соғлиқ бўлса тонг отар, қуёш чиқар мўралаб,  
Бункерлардан тўкамиз «оқ олтин»ни тонналаб!

## Ш а н б а

Ёмғир ишни бузди-ку. Бунча илжиқ об-ҳаво  
Табиатда бутун айб, бизни деманг бепарво.  
Ҳали ҳаво очилар, ўтиб кетар бу онлар,  
Машиналар гуриллаб, тўлиб-тошар хирмонлар!

## Я к ш а н б а

Ҳафта бўйи чарчадик. Энди ҳордиқ ҳам даркор,  
Рўзгорчилик. Бозору олди-сотди ишлар бор.  
Бир кун дам олсак нима, иш борарди қайёққа!  
Эртанг қамчилаймиз от ҳамма туриб оёққа!

## М у ш т у м:

Эй дангаса йиғибсан хом ҳаёлни каллага,  
Бундок ўтса ҳафталар, етиб бўйсан маррага!  
Ҳаяллама, оч кўзинг, тезроқ ишга енг шимар!  
Билмасмисан мақол бор: «Қолган ишга қор ёғар»...



## ХОТИНСИЗ ЎТГАН БИР КУН

Дўстлар! Бу не асорат!  
Бошга тушди мушкул кун.  
Қани бардош, жасорат  
Мушкулни енгиш учун.

Хотин меҳмонга кетган,  
Акангизнинг ҳоли танг.  
Энди не қилсам экан?  
Бошим қотди, эҳ, аттанг!

Бўйдоқлик қандай ёмон,  
Уй менга зиндон бўлди.  
Бир қарич келиб осмон,  
Нақ охир замон бўлди.

Болалар тантиқ, эрка,  
Койиш сиғмас орага,  
Кошки бир кун қарашса,  
Дадаси «бечорага».

Сенларда борми ғайрат?  
Анқайма Рашид, ахир.  
Ҳай, Ҳамид, кел, чой қайнат,  
Қўлимга сув қуй, Шокир.

Ҳа, овқатми? Очмисан?  
Қозонга аланглама.

Бешга кирдинг — ёшмисан,  
Зулайҳо, ол ноини, ма!

Менга-ку кечиримли,  
Ушлаб кўрмабман дазмол.  
Пионермиш! Шимингни  
Бундоқ дазмолламай қол!

Тугмани қадашга ҳам  
Йўқми сенда уқув-эп?  
Мен қадаб берай десам,  
Қани игна, қани ип?

Кўрмадингни, ҳап сени!  
Чойнакни ким синдирди?  
Бузоқ узиб ипини,  
Эмиб қўйди сигирди.

На дон, на сув берилмай,  
Товуқлар ҳам қаровсиз.  
Сизми, болалар, бай-бай,  
Бунча бўшанг, ялқовсиз.

Олмадим лаҳза ором  
Ташвишларга борми чек?  
Емади иссиқ таом,  
Тўқ замонда не очлик?

Мадор кетса ҳам ҳориб,  
Ўзим солдим ўринни.  
Оғир тўшак кўтариб,  
Яғир қилдим яғринни.

Нетай тақдир шу экан,  
Бир кун кечди хотинсиз.

Қолған каби дафъатан,  
Парваришсиз, боқимсиз.

Жаннат эди даргоҳим,  
Бир кун тушдим дўзахга.  
Кечир, бўлса гуноҳим,  
Ёндирма, ёр, узоққа.

Умрим бўйи бўл ҳамдам,  
Сен азизсан жонимдан.  
Қадринг ўтди. Бир кун ҳам,  
Кетма энди ёнимдан.

# МАСАЛЛАР

## НУҚТА ВА УНДОВ

Қогознинг бир бетида  
Учрашди икки белги.  
Семиз ундов кеккайиб,  
Нуқтага яқин келди:

«Кўр, ҳаммадан узунман,  
Ўзимман, ҳо ўзимман!»  
Нуқта деди: «Ҳой, Ундов,  
Мунча кетма ўзингдан!»

Оёғининг тагига  
Қара, қани нима бор?  
Гар бўлмаса шу нуқта,  
Сендек таёқ не даркор!»

## ТЕКИН ҰЛЖА

Кўп югуриб-елмай ҳам  
Текин ўлжа топилди:  
Лаққавой зап оч экан,  
Жағи катта очилди!

Чувалчангни ямламай  
Юта солди Лаққавой!  
Қармоққа плинганин  
Билмай қолди Лаққавой.

Катта ариқ бўйида  
Икки сигир учрашди.  
Вақтии билиб ғанимат,  
Ҳол-аҳволдан сўрашди.  
Сўз бошлади аввало,  
Семиз Тарғил илжайиб:  
«Мендан аҳвол сўрасанг,  
Ишлар михдек, ажойиб!  
Кундуз серўт яйловда  
Яйраб-яйраб ўтлайман;  
Уйимизда беда мўл,  
Кечда ҳам бўш ётмайман.  
Канда қилмай ҳар куни,  
Икки маҳал ейман ем.  
Баъзан эса ноз этиб,  
Кунжарага дейман: «Ҳим-м...  
Хўжайиним зўр одам,  
Колхоз ферма мудир.  
Бўл-бўл экан дунёда  
Мудирларнинг сигири!...»  
...Чипор сигир жим эди,  
Сўлагини ютарди.  
Хаёлидан фермаси,  
Оч сигирлар ўтарди...

## АРСЛОН

Урмон ичра борарди Арслон,  
Унга Қашқир йўлиқди бир он:  
«Салом шоҳим,— қилди у таъзим,—  
Изға қайтинг, эҳтиёт лозим,  
Овчи келар, қочдим мен базўр...»  
Арслон кулди бепарво, мағрур:  
«Қайтмам изга, юрар йўлим бор!»  
«Йўлингизда, шоҳим, ўлим бор!»  
«Ваҳима бас! Сақлай деб жоним,  
Тарк этмасман уйим-ўрмоним!!!»  
...У қайтмади, у олға босди.  
Агар қайтса, Арслон бўлмасди!

— Ҳой, ҳой Мусичахон, соғ-омонмисиз?  
Баанди зиндонмисиз, бағри қонмисиз?  
Қиш бўйи уяда — тор қафасдасиз,  
Дунё кўрмагансиз, мисли хастасиз.

Биз сафарда бўлдик, қучдик самони,  
Иссиқ юртда сурдик кайфу сафони.  
Ойлар шундай ўтди, қариди сафар,  
Мана, баҳор билан қайтдик баробар.

— Тўхтанг, Кўкқарғажон, шошманг, адашманг.  
Бўйиниғизни чўзманг, бир оз паст ташланг.  
Бизлар фахр қилсак, бордир ҳаддимиз.  
Иссиқ ҳам, совуқ ҳам букмас қаддимиз.

Овқат озми-кўпми, бориға шукур,  
Бир куп озор кўрсак, бир куни ҳузур.  
Сизларга ҳаминша баҳор, ёз бўлса...  
Юртни тарк қиласиз қиш, аёз бўлса...

\* \* \*

Бу қисса қулоққа чалинган бир чоқ,  
Қиссанинг магзини, дўстим, ўзинг чақ.



Ййловни қоплаган ям-яшил майса,  
 Эшак бунда ўтлаб қиларди маза.  
 Нуқсонни йўқ эди савлати аро,—  
 Лекин ягринида тангадек яра.  
 Шу чоқ қанот қоқиб келди бир Ҳакка,  
 Аста пастлади-ю, қўнди Эшакка.  
 — Ҳаккавой, бу не гап?— сўради Эшак,  
 Ҳакка дер: «Чин дўстман, қилма бунга шак,  
 Ўртоқжон, жонингни бир дард ўртабди,  
 Ягрининг устида яранг қуртлабди.  
 Бу дард газак олса ҳолинг бўлур танг,  
 Қуртларни мен қирай, тузалсин яранг».  
 Бу сўзлар хуш келди содда Эшакка,—  
 Ҳар кун гўштин титиб ер эди Ҳакка.  
 Оқибат, кундан-кун зўрайди яра,  
 Тарқалди Эшакнинг бадани аро.  
 Охири, шу дарддан Эшак берди жон,  
 Ҳакка ўлик танни титкилар ҳамон...

## СЕРСАВЛАТ ТАКА

Эчкилар шод бугун — тугилди улоқ,  
Зўр базм бўлади, қизийди қулоқ.  
Мана, ҳозир бўлди аҳли маърака,  
Даврада косагул серсавлат Така.  
Диккайтириб шохин, силаб соқолин,  
Майни мўл-мўл қуйиб дер: «Олинг, олинг!»  
Такавой оганинг қўлин қайтармай,  
Майни симирарди барча пайдар-пай.  
Нечаси маст-аласт тинмай валдирар,  
Баъзилари ағнаб ухлаб қолдилар.  
Бир вақт ошиб қолди Таканинг кайфи,  
(Ўзингиз биласиз кайф ошган пайтни).  
Сакраб-сакраб қўйди, дағдаға этди,  
Кекирдагин чўзиб мақтана кетди:  
— Кўрмабсиз ботирнинг мендек зўрини,  
Мажақлаб ташлайман ҳамма бўрини!  
— Ҳой, тўхта, Такавой, ўпкангни сал бос!  
— Сўзим — сўз, номардлик менга эмас хос!  
Бўри зотин қўймай барин қирмасам  
Қайтмайман адирдан, қатъийдир қасам!  
Така кетди. Нетай гапни узайтиб,  
Лекин келмади у адирдан қайтиб...

## МАҚТАНЧОҚ ТЕРАК

Боғ четида бир туп терак ўсипти.  
Бели йўгонлашиб, бўйи етипти.  
Ҳеч кимни тан олмай, яшаб шу кўйи  
Кўкка ивтилипти боқмасдан қуйи.  
Уйлапти. «Ким-кимсан азим Теракман,  
Балки осмонга ҳам ўзим тиракман!  
Эҳ, майда дарахтлар, оҳ паканалар,  
Қачон бўлардинглар менга баравар...»  
Боғбон чол бир куни кирса боғ аро,  
Еш ниҳоллар турар ранги заъфарон,  
«Дарахтлар авжи паст, булар, бегумон,  
Теракнинг илдизи етказган зиён» —  
Шу ўйни кўнглидан ўтказиб боғбон,  
Келиб болта урди Теракка чунон.  
«Осмоннинг тираги» шундай қулади,  
Бундайлар ҳолига ҳамма кулади.

## ИККИ ЧИРОҚ

Лампа чироқ ҳар кечин  
Ёритарди уй ичин.  
Стол усти — ошёни,  
Керосин оши-нони,  
Шундай яшади узоқ,  
Қариди лампа чироқ,  
Келди уйга электр,  
Лампа ҳайрат-ла дебдир:  
— Қайдан келдинг, не зотсан?  
Қариндошмисан ё ётсан?  
Баданинг пайванд симга,  
Кераксан, айт-чи, кимга?»  
Дебди электр чироқ:  
— Ёт эмасман, жон ўртоқ!  
Мушкулинг қилгум осон,  
Ташвишдан қутуласан.  
Шу симлар — қон томирим,  
Қуёшдек ёрқин нурим.  
Хайрлашайлик, қўлинг бер,  
Сен энди дам олавер!»  
Лампанг рашк, изтироб  
Ўртади, қилди хуноб.  
Деди: — «Ҳали ёвман, де.  
Йўлингдаги ғовман, де.  
Бас, камситма нуримни,  
Олиб бўйсан ўрнимни!»  
Баҳс-ку узилди шундоқ,  
Оқшом ҳал бўлди жумбоқ...

# «ТАНИШ ОҲАНЛАР»ДА ЦИКЛИДАН

## ЯЛҚОВ ЭРКАКЛАР ЯЛЛАСИ

Даврон — бизнинг давронимиз, бўстон — бизнинг  
бўстонимиз,

Маишатда ҳар оинимиз, фароғатда бу жонимиз.  
Ишларимиз енгил-елпи, бир элаб кун ўтса бўлди,  
Кечқурун ош бошидамиз, дилларда йўқ армонимиз.

Биримиз омборда соқчи, биримиз хирмон бошида,  
Пахта ташишга жўнаймиз биримиз шофер қошида.  
Бизда бордир «қариган»лар қирқ беш-эллик ёшида,  
Тумовмиз ё белда огриқ болдирда бор чипқонимиз.

Бригадир очиқ кўнгил, келади у эпақага.  
Емон бўлмас бу йил ҳосил қараб турсак томорқага.  
Бормасак ҳам бўлмайди-да, тўй, зиёфат, маъракага,  
Нечунки, някда соқол, елкада бор чопонимиз.

Уқувимиз келмас сира далада пахта теришга,  
Ҳар на қилса хотин-қизлар моҳир бўлар бундай ишга  
Ҳосил ерда қолармиди, бизларни қўйманг ташвишга,  
Дам олсак бор имконимиз, фароғатда бу жонимиз.

## ЗАРПЕЧАК

Гуллар орасида ўсган зарпечак,  
Маҳкам қучоқлади райҳон танасин.  
Бир-бирга туташ, гўё эгизак,  
Бунча «аҳил»ликка арзигай таҳсин.

Ҳеч ким сезмай қолди. Айёр зарпечак,  
Қилларини қилди. Қуриди райҳон.  
Кошки гул посбони бўлганда сергак,  
Гулзорни сақларди офатдан омон.

Ҳушёр бўл, эй богбон, асра гулшанинг,  
Зарпечак ўсмасин, райҳон сўлмасин.  
Бағрига маҳкамроқ босса душманинг,  
Ҳазар қил, гарази бўғмоқ бўлмасин!

## ЭКСАММИКАН Ё ЭКМАСАМ...

*(Бир беғам раҳбарнинг иккиланишлари)*

Ариқ суви муздек экан,  
Ичсаммикин ё ичмасам?     ”  
Қиш тўнини мен елкадан  
Ечсаммикин ё ечмасам?

Тобига ҳам етди тупроқ,  
Осмон эса солди қовоқ!  
Ер ҳайдашга, айтинг, бу чоқ,  
Тушсаммикин ё тушмасам?

Эсиб қолди дайди шамол,  
Ёмғир ёғиши эҳтимол!  
Ҳайрон бўлдим, бу қандоқ қол,  
Эксаммикин ё экмасам?

Арзим эшит, ҳой, булутжон,  
Ёғмасдан ўт бўлса имкон...  
Табиатдан инъом-эҳсон,  
Кутсаммикин ё кутмасам?!

## НЕТАЙ

*(Ишдан четлатилган лаганбардорнинг хиргойиси)*

Дарди дилимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай,  
Оҳки, бурдим эл аро йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.  
Кошки ўзгармаса бошлиқ, бўлмасди бу кўнгил ғашлик,  
Энди мендек овора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.  
Уруғ-аймоқман десам-да, мойман-қаймоқман десам-да,  
Мен сари бир наззора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.  
Хафа кўнглим хушлай десам агар рақсга тушай

десам.

Нағмамга мос ногора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.  
Янги бошлиқ ёмон экан, ямлай десам йўғон экан,  
Мен бормаган идора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.  
Эғри юриб тушдим қўлга, кирмай бўлмас тўғри йўлга,  
Шундан ўзга ҳеч чора йўқ, бўлмаса бўлмасин, нетай.



Узин безаб пардоз билан,  
Қушдек енгил парвоз билан,  
Товланар ишва-ноз билан,  
Отарчи тўйдадир, тўйда,  
Кўзлари пулдадир, пулда.

Куйлаб гоҳи ғам-фироқдан,  
Дам яқиндан, дам йироқдан,  
Бири тоғдан, бири боғдан,  
Отарчи тўйдадир, тўйда,  
Кўзлари пулдадир, пулда.

Кўп қистирсанг, сенга боқиб,  
Ғамза қилар қошин қоқиб,  
Озроқ бўлса, олар чақиб,  
Отарчи тўйдадир, тўйда.  
Кўзлари пулдадир, пулда.

Яқин келса гар ёнингга,  
Жонон бўлгай деб жонингга,  
Қўлин солар ҳамёнингга,  
Отарчи тўйдадир, тўйда.  
Кўзлари пулдадир, пулда.

Санъатни у ҳамён билар,  
Жарақ-жарқ червон билар,  
Қаранг, бизга томон келар,  
Отарчи йўлдадир, йўлда,  
Кавуши қўлдадир, қўлда...

## БОРМИСАН?

*(«Хушёрхона» эшиги олдида бир хотин айтган экан)*

Қайда қолдинг, қўноқ бўлдинг қайларга,  
Йўллардан адашган ёрим, бормисан?  
Келиб «хушёрхона» деган жойларга,  
Юзи шувит, шармисорим, бормисан?

Бир айрилмас улфатинг бор «май» деган,  
Саёқ каби дайдиганинг-дайдиган.  
Кўрганлар дер: бунинг феъли айниган,  
Бурди кетган, эл безорим, бормисан?

Бумча ўчсан шу заққумни ичгани,  
Нима ўзи ошқозонинг бочками?!  
Маош олсанг кўрсатмайсан оқчанг,  
Уй-рўзгордан бежабарим, бормисан?

Кўча-кўйда халққа бериб томоша,  
Еқа йиртмоқ одатингдир кун оша,  
Уйга келсанг яна жанжал, хархаша,  
Жонга жафо, дилозорим, бормисан?

Ғарқ бўласан, бас, шўнғима спиртга,  
Ган кор қилмас, ўхшаб қолдинг сурбетга,  
Бузуқ хулқи ор келтирар йигитга,  
Тузалар деб, умидворим, бормисан?

## ҲАЙ, ҚУДАЛАР, ҚУДАЛАР...

Қатнай-қатнай ҳоридим,  
Тушди пошнам, қудағай.  
Кам эмас-ку харидим,  
Қилманг дашном, қудағай.

Ҳозирча топилгани —  
Шоҳининг шу сортидан.  
Буни кўринг-чи, қани,  
Туфлининг импортидан!

Бир-бир айтиб нетайин,  
Бари тайёр, қудажон,  
Жавоб бўлса кетайин,  
Эшитсайдим: тўй қачон?

Қудағай дер тутоқиб:  
— Тўйга ҳали шошилманг.  
Буёғингиз келмаса,  
Бу эшikka бош урманг.

Қарағайдек акаси,  
Бошқадан кам нимаси?  
«Волга» демадик, кошки  
Мотоцикл минмаса?

Ахир мен ҳам она-ку.  
Сут ҳақин қилинг адо,  
Тошни сиқса чиқар сув,  
Сиэлардан чиқмас садо.

Айтгандим-ку бошма-бош,  
Тогасига макентош,  
Бувисига банорас,  
Холасига хонатлас.

Аммасининг ўглига  
Қўйиш керак жун костюм,  
Асл сорти турганда  
Келтирибсиз жўн костюм.

Кесмасангиз қонамас,  
Ғапим шу ғап, вассалом,  
Айтганларим битмаса,  
Тўй бўлмайдн, сўз тамом!

Хуллас, якки кампирнинг  
Баҳсиға йўқ, ниҳоят.  
Ешлар учун бу ҳолат,  
Фақат ғашлик, хижолат.

Эскиликнинг сарқитин  
Ташланг энди, ёр-ёр.  
Ҳай қудалар, тўйни тез  
Бошланг энди, ёр-ёр.

Ўйласам, раис бувам, гапдонга ўхшайди-ку,  
Сўзлари сув қўшилган айронга ўхшайди-ку!  
Ол хабар, десалар ҳам чорванинг ақволидан,  
Сўрасак, тўйхонада меҳмонга ўхшайди-ку!  
Деб эдилар лоф уриб: «Хашакдан тоғ ясаймиз!»  
Беда қишга етмоғи гумонга ўхшайди-ку!  
Боқи-беғам ўтказиб ёз билан куз фаслини,  
Энди эса бош қашиб ҳайронга ўхшайди-ку!  
Нега ем йўқ, мол ориқ, нега сут оз, не сабаб?  
Индамади. Оғзида талқонга ўхшайди-ку!

## БИР ҚАССОБ ТАЪРИФИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бор экан бир «ўсол»  
қассоб,  
Ешмикан деб ўйламанглар, иягида соқол, қассоб.

Ўзи ўта қайсар экан, тили худди наштар экан,  
Бир калима илқ сўзи топмоқ амри маҳол, қассоб.

Ошнасига тўшни бериб, сонга илган гўшти бериб,  
Кимни сийлаб суяк билан, пулни қилар увол, қассоб.

Билим феъли-атворини даkki бермас унга ҳеч ким,  
Ё ўрнига топилмасми бир мулойим, ҳалол қассоб?!

Бундайларнинг танобини тортиш пайти етмабдими?!  
Шаҳар савдо бошлиғига биздан шундай савол, қассоб!

Иягингда иш урган соқол эмасми,  
Қаддинг полвон йигитга мисол эмасми,  
«Ишламаган тишламас» мақол эмасми,  
Умринг ўтса беҳуда увол эмасми?!

Тайёр ошга баковул, ишга чўлоқсан,  
Мисли мевасиз дарахт, сувсиз булоқсан.  
Токайгача, жавоб бер, ҳаром томоқсан,  
Бу феълингнинг охири завол эмасми?!

Кимки қочса меҳнатдан, унда виждон йўқ,  
Қолса эл назаридан, бундан ёмон йўқ.  
Текинхўрга, ялқовга энди омон йўқ,  
Меҳнат билан кишига камол эмасми?!



## ДИПЛОМИМ

Сен туфайли ўқитувчи номим бор,  
Маош бутун, тайёр ошу номим бор.  
Кам бўлмасман токи танда жоним бор,  
Ишончимсан, ҳамроҳимсан, дипломим,  
Таянчимсан, паноҳимсан, дипломим.

Дипломимни пеш қилиб ҳар қадамда,  
Мағрур юрдим сўз бермадим одамга.  
Бундан ортиқ билим сигмас калламга,  
Обрўйимсан, ҳам ҳамёним — дипломим,  
Бошим узра соябоним — дипломим.

Энди билсам қотиб қопман бир жойда,  
Кўнғил қўйган диплом қайда, мен қайда.  
Талаб янги, мақтанмоқдан не фойда,  
Қилдинг мендек ялқовдан ор, дипломим,  
Афсус, кетди қўлимдан кор, дипломим...

## УЙДА КАМПИР БЎЛМАСА...

*(Оқбилак келин хиргойиси)*

Найларам, бошимга тож — уйда кампир бўлмаса,  
Битмагай бир эҳтиёж уйда кампир бўлмаса.  
Супурги ушласам гар, оқ билагим кир бўлар,  
Тозаликка йўқ ривож уйда кампир бўлмаса.  
Чошгоҳ турсам чор-ночор, товуққа ким дов сочар,  
Сигир соггум ноилож, уйда кампир бўлмаса.  
Кийим-бошни ким ювар, дазмол тутсам қўл куяр,  
Бировларга мен муҳтож, уйда кампир бўлмаса.  
Ноини ёпиб берар ким, таомни пиширар ким,  
Тўқликда қолардик оч, уйда кампир бўлмаса.  
Ташвиш кўп, шўрлик бошим, ўсмасиз қолди қошим,  
Тароқсиз тўзгиркан соч уйда кампир бўлмаса.  
На ором, на фароғат, на ҳузур, на ҳаловат,  
Бир тараф бош олиб қоч, уйда кампир бўлмаса.

## ЯЛИ-ЯЛИ

*(Баъзи эркаклар тилидан)*

Хотин-қизлар, бўлиг омон, яли-яли  
Пахта теринг хирмон-хирмон, яли-яли,  
Биз роҳатда, тасаддуқ жон, яли-яли,  
Яйрашамиз, йўқдир армон, яли-яли.

Деманг: булар нега пахта теришмайди?  
Терай десак қўлларимиз келишмайди,  
Шанба куни овдан қолиб ким ишлайди?  
Урдак учди, қочди қуёи, яли-яли.

Гар далада топмасангиз, бозордамиз,  
Тўй-базмга бормаи бўлмас, қатордамиз.  
Дўкондамиз, полизда ё омбордамиз,  
Салқин жойда қайнар қозон, яли-яли.

Бетинг қалин бўлса, жонинг ҳаловатда,  
Эл оғзида дангасалар маломатда,  
Ўйлаб кўрсак, юрмас эдик хижолатда —  
Пахта терсак, койитсак жон, яли-яли.

## ОЧИЛМАЙ ТУР...

*(Беғам раис тилидан)*

Эй, жон пахта, эшит менинг сўзимни,  
Илтимосим: ҳолим билсанг, на бўлғай?  
Хижолатда қизартирмай юзимни,  
Бир неча кун кеч очилсанг на бўлғай?

Чаноқда тур, ҳали этаклар қайда,  
Машина бир ёнда, бункер бир жойда,  
Бунча ҳовлиқишдан бормикин фойда,  
Вақт эрта-ку ,сабр қилсанг на бўлғай?

Пахтаой, ваъдамга ишон, ҳойнаҳон,  
Агар гайрат қилса уста Қурбонбой,  
Бир ҳафтага тайёр бўлар хирмон жой,  
Шундан сўнг хирмонга келсанг на бўлғай?

Икки тун муҳлат бер, йўлни тузатай,  
Тарози-ку тайёр, тошни излатай,  
Сўнгра ўзим айтсам: ҳамма нарса шай!  
Шундан кейин сен очилсанг на бўлғай?

Пахта дерки, етиб келганда фурсат,  
Очиллишга сендан сўралмас рухсат,  
Сўзни қўй, ўзингни иш билан кўрсат,  
Ваъда бердинг, вафо қилсанг на бўлғай?

Ферма мудир, Жуманиёз, қулоқ сод,  
Қолмади-ку зарра тоқат, дастингдаш.  
Беғам юриб сўрашмадинг биздан ҳол,  
Қоринимиз оч, озиқ қаҳат, дастингдаш.

Утказасан вақтни ётиб дам олиб,  
Сен бепарво, биз ётамиз қамалиб,  
Қиш ўтгунча қовургамиз саналиб,  
Бошга тушди ўлар ҳолат дастингдаш.

Келиб кетдинг худди меҳмон, беғона,  
Бир сўрмадинг: нега совуқ молхона?  
«Сут оз »деса, ўйланасан баҳона,  
Тортадирмиз бир хижолат, дастингдаш.

«Тарғил» айтур билолмадим, нетарман,  
Бошим олиб қай тарафга кетарман,  
Арзи-додим кимга бориб айтарман,  
Эй, ноинсоф, дод, минг дод дастингдаш...

## ҚАЙДАДИР!

*(Танбал тилидан)*

Эй, ёронлар, кори осон қайдадир.  
Бемашаққат қайнар қозон қайдадир,  
Экмай-тикмай, тайёр хирмон қайдадир,  
Жон койитмай, айтинг жонон қайдадир?

Эртаю-кеч калламдаги хаёлим:  
Заҳматим кам бўлса, кўпайса молим,  
Ез иссиқ, қиш совуқ не кечгай ҳолим,  
Езин-қишин богу бўстон қайдадир?

Бошимда дўппи бор, не қилса, эрман,  
Хотин маош олса, қанн чўз, дерман,  
Иш деса қуёнман, ич десаа шерман,  
Сўзланг: ароқ, коньяк, шампан қайдадир?

Қулоғимга келди шундай бир садо:  
Ташла ялқовликни энди Танбалоло,  
Меҳнатдан изла бахт, эл бўлсин ризо,  
Вақт ўтса, сўнг дардга дармон қайдадир?

## МЕН ЙИГЛАМАЙ, КИМ ЙИГЛАСИН

*(Чайқовчи хиргойиси)*

Магазинда моллар сероб, мен йигламай ким йигласин,  
Бозор касод, ҳолим хароб, мен йигламай ким йигласин?  
Маккорликда ўзим мулло, «куф» деб мисни қилгум  
тилло,

Номимни халқ қўймиш «қаллоб», мен йигламай ким  
йигласин!

Жўн матони сотсам жун деб, эскисини янги тўн доб,  
Гушоҳ дерлар қилсам савоб, мен йигламай ким  
йигласин,

Қутулмади ғамдан бошим, тафтишларга йўқ  
бардошим,

Жонга теғди қувғии, итоб, мен йигламай ким  
йигласин?

Номим база қоровули, тайёрниг мен баковули,  
Йиртилса бу эски ниқоб, мен йигламай ким йигласин!  
Текинхўрлик етди бошга, оғу тушди ҳаром ошга,  
Суд олдида бергум жавоб, мен йигламай ким  
йигласин?

## ҚИЗГИНАМ

*(Танноз қизнинг онаси тилидан)*

Оқбилак миждоз қизгинам,  
Ойнага ҳамроз қизгинам.  
Чарчашни билмас, кун бўйи —  
Пардозу андоз қизгинам.

Уқишни чала қолдирди,  
Модабозликни кор қилди,  
Шогирд тушишдан ор қилди,  
Кўрмади устоз қизгинам.

Нон ёпиш қийин дардисар,  
Пол ювса қўли қаварар,  
Учоқ дўзахга баравар,  
Дам олсин бир оз қизгинам.

Кўчада кўксин зап кериб,  
Юрар меҳнатдан чап бериб,  
Утказар вақтин зап териб,  
Забони дароз қизгинам.

Эшигим олди пар девол,  
Қизимнинг куёв дарди бор,  
Уттизда ҳам йўқ харидор,  
Қариди танноз қизгинам...



## АЙТИШУВ

«Жигули» автомобили шийпон ёнида тўхтайди.  
Йигит кабинани очиб,  
коржома кийган севгилиси билан салом-алик қилгач,  
бир коса сув сўрайди.

### Й и г и т:

Илтижо айлаб тўхтабман,  
Соя-салқинни қўмсабман,  
Йўл юриб, жуда сувсабман,  
Нозлим, бир сув бер, ичайин.

### Қ и з:

Пойгами бу? Ну сурҳо-сур?  
Омон келибсан, ҳайтовур,  
Отин жнловин торта тур,  
Туш, ўзинг сувдан ичавер.

### Й и г и т:

Тилаб қол овда омадим,  
Ҳорма, эй сарв қоматим,  
Ташнаман, чиқар ҳожатим,  
Нозим, бир сув бер, ичайин.

### Қ и з:

Бутун эл пахта ўйида,  
Сен эса овнинг кўйида,  
Хаёлинг кўлнинг бўйида,  
Бор, сувни кўлдан ичавер.

## **Й и г и т:**

Ҳазилли йўймагин чинга,  
Мададкор бўлай деб сенга,  
Лобар қиз, келдим ёнингга,  
Нозим, бир сув бер, ичайин.

## **Қ и з:**

«Жигули»ни қўй панага,  
Утир «Зангори кема» га,  
Чиқайлик бирга далага,  
Сўнг майли сувдан ичавер!

Ферма мудир акамнинг  
Қамар телпагини кўринг.  
Сутга сира тўлмаган  
Ёрти челагини кўринг.

Сув оқар шилдир-шилдир,  
Қуруқ савлат бир пулдир.  
— Озиқ бермасанг — сут йўқ!  
Сигирлар аҳди шулдир.

Раис бува, йўл бўлсин,  
Бу йил макка мўл бўлсин.  
Сиз ҳам бир дала кезинг,  
Пайтавангиз ҳўл бўлсин!

Ариқ бўйида беда,  
Беданинг гули майда.  
Экмасанг, ундирмасанг,  
Осмондан чалпак қайда!

Эй, бепарво, анқайма,  
Елгонга йўл қолмайди,  
Оч қўйсанг, шу бузоқлар —  
Қалпоғингни ямлайди.


Фурсат шошиб боради,  
Иш қалашиб боради.  
Агрегатда соғмасанг,  
Таннарх ошиб боради.

Тарғил инграр — бетобдир,  
Нега жимсан, бетадбир?  
Қайда қолди ветврач,  
Шаҳарга тез от чоптир!

Товуқ қу-қулар бир ёндан:  
Ваъдани қўй, кел дондан!  
Тухум қандоқ кўпайсин,  
Хўрозлар кўп макиёндан.

Эшик олди пар девол,  
Пар деволнинг гарди бор.  
Ялқов зоотехникнинг  
Доим уйқу дарди бор.

Ишинг бўлса пойма-пой,  
Бурдинг кетар ҳойнаҳой.  
Чорва юксалсин десаиғ,  
Беғамликка берма жой!



## ХОРАЗМДАНМИЗ

## ТУЯМУЙИН ҚУШИҒИ

(Достон)

Оддий бир мухбирман, йўлдаман ҳар чоғ  
Гўёки ошиқман висолга муштоқ.  
Йўл олдим яна бир манзилни кўзлаб,  
Очеркми, лавҳага қаҳрамон излаб.  
Мана, келиб қолдим Туямўйинга,  
Ташна назар солдим Тўямўйинга.  
Кўрдиму эсхонам портлади чунон,  
Бу «объект» эмасди, гўё чўнг вулқон!  
Тўзон-чанг бетиним ўрлар самога,  
Моторлар зилзила солмиш саҳрога.  
Тенгсиз бир қўзғалиш, шиддат эди бу,  
Не шиддат, беқийёс қудрат эди бу!  
Қани қаҳрамонлар? Барчаси оддий...  
Дилларда бир тугён кезар ашаддий:  
Қани тоғни талқон қилаётганлар?  
Қани буюк уммон қураётганлар?  
Шу пайт рўй бергандек худди тушимда,  
Замин титраб кетди ногоҳ қаршимда.  
Чанг-бўрон ичидан чиқди бир «Белаз»,  
Қулоғимга келди майин бир овоз:  
«Ҳой ака, четланинг! Кўп хаёл сурманг!  
Дулдулим асовроқ. Анқов, лол турманг».  
«Тавба? Менинг билан иши нимади?  
Фақат сенинг нозинг ҳозир кам эди...»  
Четландим. Газ бериб кетди-ю, шу дам,

Яна тормоз босди деди: «Ҳой, акам,  
Келинг, катта йўлга чиқариб қўяй,  
Адашиб қоласиз бунда ҳойнаҳой...»  
Ноилож жўнадим. «Тавба, шу читтак,  
«Белаз»ни бошқарса тап тортмай қиттак!  
Ҳали турмушга ҳам чиқмаган шаксиз?»  
Икковлон кетяпмиз безабон, гапсиз.  
Кўзларин олмасди йўлдан бир асно,  
Қўлини узмасди рулдан бир асно.  
«Дулдулим» дегани «Белаз» ўкириб,  
Қирқ чақирим чонган отдай кўпириб,  
Тепага ўрмалаб чиқди пойма-пой,  
Ва шунда қаршимда ёнди бир чирой:  
Чапда жимир-жимир...оқар зўр дарё,  
Унгда эса қайнар ўзга бир дунё.  
Дунёким, тенг бўлмас унга бирор зот,  
Дунёким, қўл билан тиклар одамзод.  
«Кўпдан бундамисиз?» Сўрадим қиздан,  
Гапни илиб кетди, зап офат экаи:  
«Сўранг, сўрайверинг! Жавобдан кейин,  
Не учун келдинг, деб сўрайсиз тайин.  
Сўнг сўрайсиз исим, маълумотимни,  
Орзу, режаларим, асли зотимни...»  
«Йўқ!» — дедим. «Мутлақо йўқ бунга ишим,  
Ўзга мақсадим бор, ўзга ташвишим.  
Мухбирман, ҳаҳрамон излаб юрибман.  
Ўктам бир сиймони истаб юрибман.  
Сиздан фақат сўрай: бу ваҳший қирда,  
Қингир тепаларда, ўнқир-чўнқирда  
Қўрқмайсызми ахир?.. Қандоқ чидайсиз...»  
Чўрт кесди қиз: «Худди ҳашарчидайсиз!  
Бу — бизнинг юртимиз, ўз дардимиз-ку,  
Қадим армонимиз, аҳд-шартимиз-ку!  
Бу ерда мендайлар талай. Бари ҳам  
Орзу билан келган, умидлар билан...

Ҳозир сўз сўрайсиз ўқийсанми деб,  
Ва ҳоказо, шунда... Бизнинг ғамни еб...  
Яхшиси, ҳа майли... Боришим керак,  
Бунда қаҳрамон йўқ. Ҳаммамиз бирдам...  
Сиз балки биларсиз?» — дея ногаҳон,  
Яна мен сари у қайрилди бир он:  
«Истасангиз, қизиқ бир ҳикоят бор,  
Майли, сўзлаб берай, балки асқатар».  
«Сўзланг, синглим», — дедим, қизча ниҳоят,  
Ўтмишдан бошлади қизиқ ривоят:  
«Дейдиларки, жуда қадим замонда  
Бир шоҳ бўлган экан Марв томонда.  
Оти Султон Санжар — золим, қайсар шоҳ,  
Юртининг қисмати ҳасрат, алам, оҳ.  
Қадами етган жой офат, хазон, марг,  
Иши лашкар тузмак, мудом ҳарбу зарб.  
Қилиб кўп элни кул, одамларни қул.  
Фарзандларни етим, хотинларни тул.  
Ишрат, фисқу-фужур кор эди унга,  
Ўзидек бир вазир ёр эди унга.  
Вазир нақ ўқ эди, шоҳ бўлса камон,  
Қай тарафга отса, учарди шу он.  
Шоҳ кўнглин овлашга қурганди тузоқ,  
Унга хушомаддан сочарди увоқ...  
Бир куни деди у: «О, давлатпаноҳ,  
Сизни бир асрордан қилайин огоҳ,  
Хоразм мулкида бордир малика,  
На малика, балки жонга таҳлика.  
Исмини демишлар Тўрабек унинг,  
Тавсияфига йўқдир асло чек унинг,  
Удир Одилшоҳнинг кўзин қораси,  
Севикли фарзанди, жигар пораси.  
Фаросат бобида ягона эмиш,  
Ҳусн маҳзанида дурдона эмиш.  
Кашизак бўлолмас унга Ширин ҳам,



Ҳажридан минг Фарҳод бошида алам,  
Ошиқлар олдиға қўйиб учта шарт,  
Кутаркан чиқарми дея бирон мард.  
Пойгада, қиличда, ғазал айтишда —  
Ким ундан зўр чиқса, бўлса саришта,  
Ушанга тегармиш Тўрабек хоним,  
Лекин ҳанузгача тенги йўқ онинг.  
Шаҳаншоҳ, Сиз совчи қўйсағиз, бешак,  
Хотинликка рози бўлар у малак».  
Бу хабар ақлини олди Султоннинг,  
Дилига гулгула солди Султоннинг.  
Хотинлар оз эмас гарчи ҳарамда,  
Энди фикри-ўйи ўшал санамда.  
Кўз ўнгидан кетмас маҳваш жамоли,  
Ёдида Тўрабек хоним хаёли.  
Алқисса, етишди шоҳнинг фармони,  
Шайланди совчилар сепли карвони.  
Катта совга билан, саломлар билан,  
Хоразм тарафга йўл тутди равон,  
Ғаразли тортиқлар ортган ул карвон.

\* \* \*

Хоразм — азалдан олиҳиммат эл,  
Одамлари танти, бағри кенг, хушфеъл.  
Бунга қайбир юртдан келса ҳам қўноқ  
Поёндоз тўшарлар, очурлар қучоқ.  
Ноз-неъмат-ла бегаб дастурхонини,  
Дўстлардан қизғанмай молу жоини,  
Ўзи оч қолса-да, меҳмонни тўяр,  
Яланғоч қолса-да, сарпо ҳам қўяр.  
...Марвдан «совчи»лар етиб келганда,  
Авж эди дабдаба, сурнай-чирманда:  
Санжарни шарафлар эди Хоразм,  
Бошлаб зўр тантана, зиёфат-базм.

Аммо, ул шум мақсад аёп бўлган кез,  
Саройга чўккандай бўлди гўё муз.  
Бирдан совуқ шамол елгандай бўлди,  
Совчи эмас, бало келгандай бўлди.  
Асаблар қайнади, дилларда тугён,  
Одилшоҳ дарғазаб, кўзларида қон.  
Бутун сарой аҳли, вазир-вузаро,  
Маслаҳат қилишар эди ўзаро.  
«Рад жавоб айтилса, зўравон Санжар,  
Илондек тўлғониб, заҳрини сочар!»  
«Уруш-талаш билан юрт бўлар хароб,  
Халқ бошига тушар мусибат, азоб!»  
«Яхшимас адоват уругин кўймоқ,  
Маъқулдир Султоннинг гапига кўнмоқ»  
...Баъзилар шу ўйга келган маҳали,  
Кўплар афзал билди жангу жадални :  
«Йўқ! Ўзга бўлмагай ишнинг йўсини,  
Душман топтай олмас эл номусини.  
Бизларга ўтмайди Санжарнинг зўри,  
Хоразм қизини қилмаймиз чўри!  
Бутун халқ юрт учун турар оёққа!  
Жавоб шу бетаклиф келган қўноққа!»  
Қар ким фикрин айтди, шоҳ қулоқ солди,  
Сўнг қизига бир зум термилиб қолди.  
Тўрабек эгилди: «Муҳтарам падар,  
Ёвуз ниятига етолмас Санжар!  
Қиз бўлсам-да мардман, майдонда борман,  
Халқ не деб буюрса, шунга тайёрман.  
Аммо бошимиздан тўкса-да олтин,  
Ҳеч маҳал Султонга бўлмасман хотин!  
Мардлар қаддини эгмас тиги ханжарнинг,  
Хоразмга ўтмас ҳукми Санжарнинг!»  
Қизининг сўзидан дадиллашди шоҳ,  
На шоҳ, ҳали муздек увишган даргоҳ—  
Энди қаддини ростлаб турарди ғолиб,

Карвон ҳам жўнади рад жавоб олиб.  
Шум хабардан Санжар вужудида ўт,  
Ўтиргани гўё тахт эмас, тобут.  
Омадсиз совчилар титрашар дир-дир,  
Бошлари эгилган, кўзлари пир-пир,  
Ва қайнаб дилида ғазаб уммоний  
Уруш бонгин чалди Марв султони:  
«Санжар кимлигини билсин Одилшоҳ,  
Хатосига тавба қилсин Одилшоҳ!»  
Ўзи сардор бўлиб сонсиз лашкарга,  
Йўлга чиқди Султон узоқ сафарга.

\* \* \*

Эл хабадор эди ёв келишидан,  
Санжар фитнасидаи, ёвуз ишидан.  
Душмани кутарди шайланган қўшин,  
Мардларнинг ичидан сайланган қўшин.  
Ниҳоят, рўбарў келди икки куч,  
Қўлда қилич, ханжар, дилда ғазаб, ўч.  
Заминни титратди саваш сурони,  
Ларзага келтирди етти самони.  
Янгради довюрак шерлар наъраси,  
Лекин бўш келмасди душман галаси.  
Майдонда қон мисли селдек қуйилди,  
Мурдалар ўртада тоғдек уйилди.  
Ва лекин ғанимнинг кўп эди кучи,  
Уфқни қопларди лашкарин учи.  
Олдинга интилар, зўр берар эди,  
Ўзин ўтга урар, кўру кар эди.  
Хоразм қўшини камайиб қолди,  
Бу ҳол сафлар ичра гулгула солди.  
Санжар зафар созин чалмоқчи бўлиб,  
Шаҳар ичига от солмоқчи бўлиб,

Чоғланган чоғида, ё фалак, бирдан,  
Осмондан тушдимни, чиқдимни ердан,  
Ғаройиб бир қўшни чиқди қаршидан,  
Йитирди Санжариинг ҳушини бошидан!  
Қай кўз билан кўрсин бу қўшни бари —  
Хоразмининг найзабардор қизлари!  
Мард Тўрабек эди уларга сардор,  
От қўйиб келарди чақмоқдай тезкор.  
Қолганлар ғайратини оширди қизлар,  
Душманининг эс-ҳушини қочирди қизлар,  
Саросима ичра ёв тирик ўлиб,  
Қочди шармандан шармисор бўлиб.

\* \* \*

Қонли кўзларидан ўт чақнагудек,  
Санжар қайтди изга дили тўла кек.  
Изтироб чекарди мағлубиятдан,  
Лекин қайтмаганди ҳали ниятдан.  
Хоразм шоҳидан олиш учун ўч,  
Яна жадал ила тўплай берди куч,  
Мағлуб султонининг кўнглини бу дам,  
Тағни топмоқ истар вазир аъзам:  
«Тингланг, оламнавоҳ, улуг Султоним,  
Содиқман, садқадир спзга бу жоним.  
Бўламан муборак дилингиз ғамгин,  
Бир сўз айтай, шолд топгайсиз таскин,  
Баъзан иш чиқмаса уруш-гавгодан,  
Тадбир лозим бўлур шоҳи донодан.  
Ўқдан қочиб, омон қутилса ҳайвон,  
Уни тутмоқ мумкин гоҳ қурпб қопқов.  
Бир ҳаёлга келдим шунини ўйланиб,  
Синаб кўрмайсизми битта ҳийлани?..  
Агар Хоразмин қўйсангиз сувсиз,  
Уни маҳв этурсиз жангсиз, оғусиз.

Султоним, Жайхунни тез тўсмоқ даркор,  
Токи бўлсин душман қултум сувга зор.  
Ушанда сизники бўлгай ул кишвар,  
Ва ўшал Тўрабек исмли ҳулкар...»  
Бу сўз Султонда шаҳд айлади содир:  
«Мен бунга қодирман, мен бунга қодир!»

\* \* \*

Мана Туямўйин. Шу ердир сарҳад,  
Қирғоқда қоялар тиклаб турар қад.  
Ердан бўса олган ошиқлар каби,  
Қирғоқни ўпичлаб тўлқинлар лаби,  
Тор, энсиз шу жойда сув худди ўқдек,  
Уни тўхтатгувчи куч-қудрат йўқдек,  
Пишқириб-пишқириб оқиб ётади,  
Шу ердан воҳага қулоч отади...  
Шу мавзига тушди Санжарнинг фолн,  
Шу ерда дарёни бўғмоқ — хаёли.  
Шоҳ амри: йиғилди бесаноқ лашкар,  
Чодирга бурканди адирлар, даштлар.  
Қолмади косиблар, ҳунармандлар ҳам,  
Соҳилда беадад одам бўлди жам.  
Яроғлар шай, бутун аслаҳа тайёр,  
Кетмон, болта, теша, барча асбоб бор.  
Султон фармон берди, бу эди мазмун:  
«Яшин тезлигида тўсилсин Жайхун!  
Бўлсин сувсизликдан Хоразм хароб,  
Сув ўрнида ютсин ғам ва изтироб!»  
...Шовқин-сурон турди худди маҳшардай,  
Бўлдилар дарёни бўғмоқ найдар-пай.  
Фарқига боришмай кундуз-кечанинг,  
Хумдонлар қуришиб бунда неча минг,  
Хум ясаб, дарёга отиб турдилар,

Жайхуннинг ҳолига боқиб турдилар,  
Соат ўтган сари, кун ўтган сари,  
Бунёд бўлди сувда «Садди Санжарий».  
Оқибат, Оролга сув ўтмай қолди,  
Ташна Хоразмга у етмай қолди...  
Бошидан зарб еган тулпордек Аму,  
Чопишдан тўхтади, жимиб қолди у.  
Айни ёз чогида сув бўлди қаҳат,  
Ариқлар қуриди, эл чекди заҳмат.  
Дарёнинг тубидан чиқди чанг-тўзон,  
Кузакка айланиб қолди саратон.  
Боги роғлар сўлди, ердан кетди нам,  
Ҳар дилда ҳасрату, ҳар уйда мотам.  
Хоразм елкасин босди кўҳи Қоф,  
Халқ фақат золимга тиларди инсоф.  
Афсус! Илтижолар келтирмади наф,  
Ҳеч ким бу офатни қилолмади даф.  
Битиб борар эди тоқат ва сабот,  
Таҳлика остида қолганди ҳаёт.  
...Одилшоҳ қасрида вазир-вузаро,  
Офатнинг дафъига излашар чора.  
Баъзилар ўйларди: «Тўрабек бу бор  
Санжарнинг ўзига кўнмоғи даркор.  
Ё ҳаёт, ё ўлим, йўқ ўзга тақдир,  
Қизнинг қўлидадир эндиғи тадбир...»  
Ҳамма жимжит эди. Оғир сукунат,  
Не деркин Тўрабек? Гап унда фақат!  
Эл учун, халқ учун қайишармикин?  
Ёв билан майдонда олишармикин?  
Тахтига, бахтига етса-да завол,  
Номуси, шарафи бўлса-да поймол,  
Халқни деб, золимга бош эгармикан?  
Санжарнинг олдида тиз чўкармикан?  
Ҳамма ўйга чўмган, сукутда ҳануз,  
Ва бирдан Тўрабек хоним бошлар сўз:

«Эй, падар, эй халқим, беринг ижозат,  
Евга бош эгмасман бўлсам саломат.  
Лекин ўтказаман Санжарга сўзим,  
Улсам юртим учун ўлай бир ўзим!  
Яна жавлон уриб оқажак Аму,  
Яна ҳаёт тараб, тўлиб тошгай у!»  
Шундай деб, таъзим-ла бош эгди-ю, жим,  
Сафарга отланди Тўрабек хоним.  
Ёнига қулунли қирқ бия олди,  
Қирқ дугона уни кузатиб борди.  
Йўлда қирқта манзил қилдирди тайин,  
Бир бия қолдирди ҳар манзил сайин.  
Қулунин бир манзил қўйиб илгари,  
Бияни ундан сўнг боғлатди нари.  
То Туямўйинга етгуичалик бот,  
Шундай тартиб билан жойлашди қирқ от.  
Бияларни шундай, ташлаб қулунсиз,  
Ўзи Марв томон жўнади ёлғиз.

\* \* \*

От суриб, Марвга кириб борди у,  
Санжар қасри томон йўлни солди у.  
Ва хитоб айлади соқчиларга боз:  
«Чақиринг Султонини, чиқсин у пешвоз!  
Хоразм шоҳининг қизи келди денг.  
Ёнида ҳеч ким йўқ, ўзи келди денг!..»  
...Тўрабек хонимни кўрди-ю, Султон,  
Донг қотди, дилида ҳайрат ва гумон,  
«Маликам, тушсинлар қани отидан,  
Тотсинлар Санжарнинг илтифотидан!»  
«Раҳмат, Султон, бунда арз билан келдим,  
Бўйнимда оғир бир қарз билан келдим...»  
«Маликам, муродим эди висолинг,  
Отдан туш, ором ол, айт арзи ҳолинг...»

«Юртимнинг бошида қора кун, офат,  
Менга бунда қандай татийди роҳат?  
То тўғон очилиб, оқмагунча сув,  
Узангидан оёқ узмасман — шарт шу!  
Ушбу муродимни қилолсанг ҳосил,  
Сенинг даргоҳингда қолгум муттаҳил...»  
Султон ҳаёл суриб қолди шу асно :  
«Ажаб! Бу чин гапми ёки бир бало?!  
Елғиз ўзи келди — демак қўлимда!  
Унга етсам энди ғов йўқ йўлимда...  
Шартини бажармай уйлансам унга,  
Элу юрт олдида қолгум не кунга.  
Аёлдан қўрқди деб, унт этурлар,  
Маҳшаргача ғийбат айлаб кетурлар...  
Майлига, очаман бориб тўгонни,  
Унгириб қайтаман отга жононни...»

\* \* \*

Гарчанд неча ойда қурилмиш тўғон,  
Бузилди бир дамда, тўлқин нақ осмон,  
Тошларни, хумларни сув суриб кетди,  
Соғинган юртига югуриб кетди.  
Тўлқинлар мавжи зўр, шўх қаҳ-қаҳ урар,  
Тўрабек соҳилда жилмайиб турар.  
Санжар дер: «Маликам, битди муддао,  
Не дерсан, қилдимми ваъдага вафо?!  
Кел энди, шу ерда тўйни этайлик,  
Марвга тантана бирла этайлик!»  
«Ҳа, чиндан мақтовга лойиқ журъатинг,  
Ва лекин юртимга солган кулфатинг,  
Ғам-алам, ситаминг унутиб бу он,  
Сен билан айш қуриб яшайми шодон?  
Юртимдан кечайми? Хомтама бўлма,  
Қўлга туширдим деб, қувончга тўлма!



Юртимни шунча хор этганинг учун,  
Бир умр ўртангил, юрак-бағринг хун...»  
Шундай деб, малика бирдан шахт этди.  
Диргоқ бўйлаб отни сурди-да кетди.  
Султон ваҳшиёна ҳайқириб чунон,  
Тез учди Тўрабек йўл олган томон:  
«Дочиб қутулмайсан энди Санжардан,  
Дочиб қутулмассан сонсиз аскардан!  
Тўрабек боқмасдан соғу сўлига,  
Отга қамчи босди, кетди йўлига.  
Ортидан келарди ғазабнок Санжар,  
Келар кўзларидан қон томган лашкар.  
Сал-пал ҳаялласа, энди омон йўқ,  
Енгса-ю тутилса, ундан ёмон йўқ...  
Ёв етдим-етдимда, малика алҳол,  
Биринчи манзилга етди нақ шамол,  
Бунда қулунига интизор, ташна,  
Дирқ биядан бири турарди кишнаб.  
Отни алмаштириб мингани ҳамон,  
Бия қушдек учди қулуни томон.  
Гоҳ кўринур кўзга душман қораси,  
Гоҳ йироқ, гоҳ яқин қолар ораси.  
Ҳар манзилга етса, янгиланар от,  
Бия қулун сари қоқади қанот...  
Охир Санжар бўлди сирдан хабардор,  
Билди: қиз изидан етмоғи душвор.  
Кўнгил пишасининг чиқди тилкаси,  
Ҳолдан тойди, қуриб битди тинкаси,  
Аёлдан алдандим, бўлдим шарманда,  
Энди бош тиклашга юз борми менда?..  
Басдир, бир кишига етар бир ўлим,  
Энди Хоразмга тушмасин йўлим!!»  
Деб отидан ташлаб ўзини подшоҳ,  
Заминга ёлворди бер деб менга чоҳ.  
Тупроқ раҳми келди бундай шўрликка,

Санжар қаршисида ёрилди тикка.  
Ва у ер тагига кириб йўқолди...  
Элда фақат шундай ривоят қолди».

\* \* \*

Қиз тинди ва чиқди «Белаз»га чаққон,  
Хандон ташлаб кулди: «Хайр, акажон!»  
Асов тулпорини учуриб кетди,  
На тулпор, бир тоғни кўчуриб кетди.  
Узоқ туриб қолдим хаёлга толиб,  
Қалбимга ғаройиб бир ҳислар олиб...  
Чапда гувлаб ётар буюк бир дарё,  
Унгда Инсон қўли қургувчи маъво.

(Баллада)

— Бу замин ўз юртинг, ўз уйнинг гарчанд,  
Қадамнинг оҳиста кўйгил, эй фарзанд!  
Ана, ҳув, мақбара — манғулик уйқу,  
Лаҳза сукунатида бир жаҳон туйғу.  
Улуғ сиймоларга фахрий посбондек,  
Бошида минорлар турар мағрур, тик.  
Қадимий Хоразм акс этган кўзгу —  
Асрлар сирдоши кўҳна Хива бу.  
Хиваки, воҳамга таржимаи ҳол,  
Хиваки, зулматда балқиган ҳилол.  
Шоҳлар ўтмиш бунда, ўтмиш гадолар,  
Қулоқ тутсанг келур турли садолар.  
Бири сўзлар зулмат, ҳасрат-жафодан,  
Бири сўзлар дониш, ақлу зақодан.  
«Ишратхона» ёқдан таралса «Сегоҳ»,  
Зиндонлар қаъридан чиқар фарёд, оҳ.  
Улар бари олис замондан сўзлар,  
Даврондан, фиғондан, армондан сўзлар,  
Сўзларлар ғурбатли, кулфатли ондан,  
Сўзларлар беқиёс санъатдан, қондан...  
Олам ичра гўё бир мовий олам,  
Замин узра мисли самовий олам.  
Бордир ўз қуёши, юлдузи бордир,  
Ойи бор, кечаси, кундузи бордир...

Ҳа, мана! Мақбара ичра улуг зот  
 Неча юз йилдирки, ётур барҳаёт.  
 — Ассалом, муҳтарам Паҳлавон Маҳмуд!  
 Оромингни буздим, мени мазур тут.  
 Жаҳон ташвишидан фориғ, осуда  
 Ётарсан бунда сен мангу уйқуда.  
 Зиёратга келур мағрибу машриқ,  
 Барчага, қалбингдек, эшигинг очиқ.  
 Ҳол сўраб турибман бу дам, эй устоз,  
 Энди ҳолинг нечук дилингда не роз?  
 Хаёл огушида турдим, шу асно  
 Гумбаз ичра чиқди янгроқ бир садо:  
 «Гуркираган олов — дилим йўлдоши,  
 Тўлқин урган дарё — кўзларим ёши...  
 Эй, ватандош авлод, жондош, жигарбанд!  
 Хуш келибсан, менга сенсан чин ҳамдард.  
 Дунёда оз эмас мухлис-сирдошим,  
 Дўстлар ташрифидан кўкдадир бошим.  
 Жаҳон айвонидек менинг уйим ҳам,  
 Бировлар шод келар, бирлари нургам,  
 Биров дерки: «Шоҳлар иши шоҳона,  
 Қайси хондан мерос бу зўр кошона?»  
 Бу сўроқ беўрин, бу гаплар галат!  
 Хонлар мулки эмас асло бу санъат.  
 Олтин қўл наққошлар ҳунаридир бу,  
 Ҳунарки, олмосдек зеҳнга кўзгу.  
 Мана, даргоҳимдан аримас меҳмон,  
 Халқим санъатига қойилдир жаҳон.  
 Лекин баъзан учрар ажаб савдолар,  
 Қулоғимга келар нохуш садолар:  
 — Шайхлар қани? Ўзи тартиб қанақа?  
 Ким оларкан бунда биздан садақа?  
 Бир телба зот ҳатто ташлаган савол:

«Хивани сотинглар, оламан дарҳол...»  
— Бизда юрт сотилмас! Бўлма хомтама!  
Кўзинг оч, бу ерда алаҳсирама!  
Бойвачча келбати бордир турқингда,  
Очларни тўйдиргин аввал юртингда!  
Нажот тилаб келар гоҳ мендан бемор,  
Ахир касал эрсанг — шифокорга бор!  
Мен табиб эмасман. Не наф бўш сўздан?  
Полвонман, шоирман ҳам пўстиндўзман.  
Ёлғонга, бидъатга йўқ менда тоқат,  
Излама бу ерда сеҳру каромат.  
Эй ватандош! Сенга ёр бўлмиш иқбол,  
Халқим шод — руҳим шод, юртим баркамол.  
Билинг бу ажойиб замон қадрини —  
Кўкларга кўтарди инсон қадрини!»

\* \* \*

«— Маскани фозилон», донг солган даргоҳ!  
Саргузаштларингдан қил мени огоҳ  
Донишманд чол каби иссиқсан кўзга,  
Оқсоқол мадраса, тарихдан сўзла!  
Сўзла Шерғозихон силсиласидан,  
Айтиб бер Хиванинг зилзиласидан.  
Қуллар исёнидан сўзла ҳикоя,  
Диллар тугёнидан сўзла ҳикоя.  
— Эй, янги замоннинг комил ўғлони!  
Тўксам бир дунёдир дилим фиғони.  
Мудҳиш замонларга гувоҳ бўлганман,  
Асрий асрорлардан огоҳ бўлганман.  
Гарчи ташлаб турсанг тарихга нигоҳ,  
Ўтмишдан қиссалар тингласанг гоҳ-гоҳ,  
Ҳислар қанотида парвоз этарсан,  
Ҳаёт, бахт қадрини англаб етарсан.

Кўп савдолар тушган менинг бошимга,  
Сўзлай бир ҳикоят, қулоқ бер шунга.  
...Машҳадда тугади саваш сурони,  
Зафар майидан маёт Хиванинг жони  
Яйради ушалиб дилда матлаби,  
Қайтди беш минг қулни ҳайдаб мол каби.  
Сўнгра фармон берди ғолиб Шергози:  
«Баландроқ янграсин бонглар овози,  
Кўрку ҳашаматда жаҳонда танҳо  
Мадрасаи олий қилинсин барпо.  
Ишлаб кеча-кундуз тинмасин қуллар,  
Биткунча ором на — билмасин қуллар!  
Ушбу бино тугал қилинганч бунёд,  
Ваъдам шу — этгумдир уларни озод!»  
Эрк деса жон олиб, жон берур инсон,  
Дунёда нима бор қулликдан ёмон?  
Етай дея эрка — эзгу тилакка,  
Бутун кучни йигиб белга, билакка,  
Қуллар хон чорлаган ҳашарга чиқди,  
Гўё эрк кўйида сафарга чиқди!  
Мадраса ҳам битди, аммо зolim хон  
Ваъдасидан тонди. Бандилар ҳайрон.  
Қаҳрлар чош бўлди, қайнади асаб,  
Дилларда тўлгонди интиқом, ғазаб,  
Бошланди Хивада бирдан зилзила,  
Саройни қамради, даҳшат, ғулғула.  
«Дод! Исён! Ғалаён! Қуллар исёни!»  
Майдонга от қўйди Хиванинг хони.  
Ларзага келгандек замин у замон,  
Бошланди ур-йиқит, қўпди тўполол.  
Хон отдан қулади кесилиб боши,  
Майдон ўртасида тошталди лоши...  
...Ҳа, қуллар исёни кўргандир кўзим.  
Хоннинг бошин еган мадраса — ўзим!  
Илм истаб келганга очганман эшик,

Буюк олимларга бўлганман бешик.  
Кўрганман фан билан хурофот баҳсин,  
Гоҳо мунозара, гоҳ таълим-таҳсил.  
Неча довишмандлар менда ўқиган...  
...Йиллар юки босиб елкамни маним,  
Тупроқ ичра ботди нотавон таним.  
Ва лекин айладинг қайтадан бунёд,  
Тикладинг қаддимни, эй янги авлод!  
Шодман, кўра олдим эркин дунёни,  
Узоқ зулматдан сўнг эмдим зиёни,  
Бугун юрт кўркида жаҳон нигоҳи,  
Бўлдим мен дунёнинг зиёратгоҳи!  
— Оч эшигинг менга, кўҳна Тошҳовли!  
Қаддинг суяб турай, чўкма, Тошҳовли!  
Не-не аламларга бердинг дош, ҳовли,  
Мунис, Огаҳийга ҳасратдош ҳовли  
Мағрур тур, эгилма, йўқ энди хатар.  
Сени халқ авайлар — давлатим асрар.  
Ки мангу эъзозга етдинг ниҳоят,  
Сен ҳам ўтмишингдан сўзла ҳикоят!  
— Кўҳна қиссаларга муштоқ эй фарзанд,  
Тарихим даҳшатли тушларга монанд.  
Кел, бориб қайтайлик олис замонга,  
Бир кириб боқайлик ўшал зиндонга!  
Қара, хон даргазаб! Кўзларида қон,  
Бу гал кимга сочар заҳрини илон?  
Аждаҳо комига рўбару кимдир?  
Кимнинг бошин узар танидан шамшир?  
Кимдан ўч олмоқчи? Кимда қасди бор?  
Кимнинг куни бятди? Кимни кутар дор?  
Ана, мағрур турар занжирбанд меъмор,  
Хон унга боқади кекли, қасоскор.  
Бошланди интиқом ҳисоб-китоби.  
Хон билан меъморнинг савол-жавоби.  
Деди: Уста Тожи, амрим бажо қил!

Қасрим қад кўтарсин! Муҳлат икки йил!  
Деди: эй, хон ҳазрат! Бунга йўқ имкон!  
Сарой бунёдига вақт керак чандон!  
Хон дер: Фармонимни қилмасанг бажо,  
Эй зўрлик, бергумдир бешафқат жазо!  
Меъмор: Менда бошқа, сенда бошқа кор:  
Бош кесмоқ осону, тош кесмоқ душвор!  
Хон қизир: Жаллод! Бу пушаймон қилсин,  
Ҳозироқ қорнига қозиқ қоқилсин!  
То амрим раддига ким этса журъат,  
Ушбу сазойидан олсин у ибрат!  
...Қийнаб ўлдирдилар номдор меъморни,  
Ахир бундан ортиқ ваҳшийлик борми!  
Эҳ-ҳе қанча даҳшат, ваҳм, дод-фарёд...  
Ниҳоят, ўн йилда қилиндим бунёд.  
Саргузаштимдан бу — бир шингил, холос,  
Саргузаштки, кўҳна Тошҳовлига хос.  
Умрим узоқ экан, ўтди кўп замон,  
Бу қутлуғ кунларга етишдим омон.  
Эй, сайёҳ, марҳамат, қучогим очиқ,  
Хонлар қароргоҳин бир айланиб чиқ!  
Киравер, энди йўқ таҳлика, даҳшат,  
Хондан керак эмас киргали рухсат.  
Қўрқма, ясовул ё жаллод ваҳмидан,  
Ханжар — кўргазмада — қўрқма заҳмидан.  
Ҳайиқма бу тахтдан. Бошсиз гавда у,  
Тарих ерга кўмган хонликни мангу.  
Мен бугун бамисли «ойнап жаҳон» —  
Кўҳна Хива аксин этгум намоён.  
Хоразм меъмори балогатини  
Кўрсата олгум мен қилиб ифтихор,  
Сеҳримга тикилсин олам мафтункор.  
Китобман, саҳифам очилса боб-боб,  
Унда кўп саволга топилгай жавоб...  
— Яхши қол, Тошҳовли? Дардинг кўп экан?



Буюкликда танҳо, машҳури жаҳон  
Минора қургали бергумдир фармон.  
Кўрай мен оламни турган жойимда.  
Бухорон шариф бўлсин пойимда!  
Яна вазирага деди махфий роз:  
«Битган сўнг минора ва пардоз-андоз,—  
Баланддан юз тубан ташлансин меъмор!  
Ҳеч элда, ҳеч маҳал токи у такрор  
Бундай минорани қура олмасин!  
Шони шавкатимга раҳна солмасин!»  
Миш-миш бўлиб қолди бу разил ғараз,  
Меъморни жон ваҳм<sup>и</sup> эзди ҳар нафас.  
Шояд топгайман деб ўлимдан нажот,  
У парлар йиғди-ю, ясади қанот.  
Ниҳоят, бир кеча учди самога,  
Чан берди ажалга, мудҳиш балога.  
Шу боис битмайин чала қолганман,  
«Калтаминор» дея ном ҳам олганман».

\* \* \*

Исёнкор қалбга хос бир ривоят бу!  
Ҳа, йиллар парвозга талпинди инсон,  
Лекин йироқ эди у пайтлар осмон.  
Энди қадам етди фазоларга ҳам,  
Парвозлар юксакдир, кучлидир одам.  
Бугун эслаб қўйинг ўшал меъморни,  
Парвоз бошланган жой — Калтаминорни:  
Ул ярим — боболар орзуси мисол,  
Кўкка талпингану, топмаган камол.

\* \* \*

Бўлар ҳар замоннинг ўз обидаси,  
Обидаки, халқнинг нури дийдаси.  
Қуллар маҳорати унда мужассам,

Суҳбат давом қилгай ҳали сен билан!  
Лекин айвонингда, худди ёнимда  
Юз берган ҳодиса қолди ёдимда:  
...Бир чолни тўхтатди ажнабий сайёҳ,  
Юз-юзга рўбарў, тўқнашди нигоҳ,  
У хон файтунига имлади чолни,  
Чол бошин чайқади силаб соқолни.  
Гар минса суратга олмоқчи эди,  
Бўлмади... ва «меҳмон» хижолат еди,  
Биз оздан сўнг эса чол билан меҳмон  
Бирга ташқарига чиқди ёнма-ён.  
Таржимонга деди отахон шунда:  
«Мана, бизнинг файтун турибди мунда!  
Айт меҳмонга, буни «Волга» дейдилар,  
Бобонг шу тулиорга миниб келдилар!  
Оддий чўпонману назарим баланд,  
Подшолар бисотин қилмасман писанд,  
Хоннинг файтунига йўқ эҳтиёжим!»  
Чол магрур турарди, «меҳмон» мулзам,

жим .

Ҳа, хонларга насиб бўлмаган даврон,  
Ғариблар қўмсаган, интилган замон —  
Бизларга бўлмишдир муяссар бугун,  
Халқим иқболидан эрур кўп мамнун.

Сендан сўз сўрайман, эй, Калтаминор!  
Айт, қайси замондан қолмишсан ёдгор?  
— Тарихимни сўрсаиғ — ҳасратномадир,  
Сиртим ялтирару ичим ёнадур!  
Мен тошга айланган оҳман, фигонман,  
Рўёбга чиқмаган орзу-армонман.  
Кўкка интилдим, тўсилди йўлим,  
Аросатда қолдим, қайрилди қўлим.  
...Хонлик тожин кийган Муҳаммадамин  
Дерди: Ўзимники — бул рўйи замин!

Қалблар ҳарорати унда мужассам.  
Менинг давримдан ҳам тенгсиз, улуғвор —  
Қутлуғ обидалар қолажак ёдгор.  
Булар — бизлар қурган замон ва даврон,  
Булар — биз очган кон, биз очган бўстон,  
Булар — авлодларга биз яратган бахт,  
Бахтки, қуёш каби порлар ҳамма вақт.  
Меҳнатдаги доврў, жаигдаги зафар  
Бизга ҳайкал бўлиб қолур муқаррар.  
Гўзал Хоразмнинг шуҳрат-шони ҳам,  
Ғолиб байроғида қўш нишони ҳам,  
Авлодларга биздан табаррук ёдгор,  
Яхши номлар қолур мангу барқарор.  
Питнак қирларининг чинорларида,  
«Ойнап жаҳон»нинг минорларида,  
Ҳожиҳон ҳофизнинг ҳар навосида.  
Шерозий созининг хуш садосида,  
Комилнинг чарчамас сайроқ торида,  
Эгам, Смон, Эркин куй-ашъорида,  
Бахт йўли аталмиш темир йўлда ҳам,  
Биз ўлмай абадий яшаб қоламиз,  
Давр билан бирга нафас оламиз.  
Бахт шаҳри қурилиб Туямўйинда,  
Буюк ГЭС порларкан Аму бўйинда,  
Нур чақнаб юртимнинг ҳар бир бобида,  
Қолар келажакка биздан обида!

## ЗУҲРО ЮЛДУЗИ

(Афсона)

Жайҳуннинг соҳилида,  
Хоразмпйлар элида,  
Яйловда тутиб макон,  
Яшар эди бир чўпон.  
Касбинп қилиб эъзоз,  
Хоҳ саратон, хоҳ аёз  
Юриб сурув изида,  
Уйқу йўқди кўзида.  
Топиб луқмаи ҳалол,  
Куни кечарди бир ҳол.  
Қалби эди мусаффо,  
Нияти ҳиммат, вафо.

Лекин унинг жаҳонда,  
Умрбод дилу жонда —  
Бир армони бор эди,  
У фарзандга зор эди.  
Ёши ўтиб қолганди,  
Буткул қариб, толганди.

\*            \*  
              \*

Ҳар тонг уфққа чўпон  
Боқиб турар нигорон.

Офтобнинг балқилиши,  
Ерга нур оқишини  
Кутар ҳар кун интизор,  
Эзгу ният бўлиб ёр.  
Кун очганда юзини,  
Бошларди у сўзини:  
— Салом, эй Қуёш, илоҳ,  
Мураббий, пушти паноҳ!  
Ҳаётбахш, тенгсиз қудрат,  
Сенда нур, сенда ҳиммат!  
Ҳолимдан-ку огоҳсан,  
Қишин-ёзин ҳамроҳсан.  
Ҳез кимим йўқ ғарибман,  
Мана, қариб — чурибман.  
Қўлдан иш оларим йўқ,  
Изимда қоларим йўқ,  
Фарзанд ато это менга!

\*            \*  
\*

Юз берди-ку ажиб ҳол,  
Қуёш очиб қолди фол:  
— Майли, майли, қўймадинг,  
Шунча гам еб тўймадинг.  
Сенга зурёд бераман,  
Гўё қанот бераман.  
У кўкнинг саси бўлур,  
Осмон боласи бўлур.  
Уни лекин ҳеч қачон,  
Ер урфларига, чўпон,  
Ўргатма, қилма мажбур,  
У кўк қизи — қутлуг нур!  
Жойи — баланд кўшк эрур,  
Кўшкдан баланд кўк эрур!

\*            \*

\*

Уйига келса чўпон,  
Ғаройиб ҳол намоён,  
Бу не нур, бу не шуъла!  
Бу қандайин машъала?!  
Кулиб боққандек иқбол,  
Чўпон лол турган асно,  
Тилга кирди ул барно:  
— Ассалом, азиз падар,  
Мақсудинг бермиш самар!  
Билки, мен кўкдан инган  
Қизингман — дилбандингман!  
Дилинг, жонинг бўлурман,  
Меҳрибонинг бўлурман!

\*            \*

\*

Чўпон шод-хуррам эди,  
Яйловда байрам эди.  
Дўстларин йиғди чўпон,  
Ёзди катта дастурхон.  
Янграб найлар навоси,  
Куй-ўланлар парвози  
Кетди дара-тоғларга,  
Адирларга, богларга.  
Қизни барча суйдилар,  
Исмин Зухра қўйдилар.  
Ўтди ойлар, фасллар,  
Йилларни қувиб йиллар,  
Осмон қизи Зухра ҳам  
Чўпонга эди ҳамдам.  
Хушқомат, офтобжамол,  
Кўзлари юлдуз мисол.

Оқла, зеҳни шамшир,  
Ќалби ўт, қўли моҳпр.  
Таърифи беандоза  
Элга бўлди овоза:  
«Отаси бир чўпонмиш,  
Ќизи оймиш, чўлпонмиш,  
На чўлпон, юзи қуёш,  
Шаҳло кўз, қайрилма қош,  
Бир пари пайкар эмиш,  
Исмини Зухра демиш!»  
Зухранинг бу шуҳрати,  
Ҳусни-ю, малоҳати  
Кўпларни қилди шайдо,  
Бошига солди савдо.  
Охири чор тарафдан,  
Паст-баланд, ўнгу чапдан  
Совчилар келар бўлди,  
Довчилар келар бўлди.  
Рад жавоб беравериб,  
Буткул жонига тегиб,  
Боши қотди чўпоннинг,  
Ишп ётди чўпоннинг.  
Ёр-дўсти, ошналари,  
Яқину рўшнолари  
Сан-манга боришдилар,  
Ажралиб қолишдилар.  
Ўзбеклар ҳаётида,  
Анъана, одатида,  
Барча элатлар каби  
Қовушса гапга гапи,  
Ќизларин узатарлар,  
«Бировники» атарлар.

Чўпоннинг ҳоли тайин  
Битта ўзи қолади,

Андух пчра толади,  
Тилаб-тилаб топгани,  
Багрига нур ёққани  
Кетиб қолса, иш тамом,  
Уйи зулматга макон.  
Яна ёлғиз, яна тоқ,  
Қолгай гамларга ўртоқ.  
Йўқ, йўқ! Қизин ҳеч қачон  
Тушмушга бермас чўпон!  
Офтоб ҳам ўшанда,  
Уни ато қилганда  
Ер урфларига асло  
Кўрма деганди раво!



Лекпи элнинг тили минг,  
Бири қисқа, бири кенг.  
Яхшиданми ёмондан,  
Охир у ён-бу ёндан  
Қизнинг таърифиди бутун  
Хонга ҳам етди бир кун.



Совчилар тез келишди,  
Шу тахлит сўз қилишди:  
— Бахтинг келди, дай чўпон,  
Илтифот этмишдир хон.  
Иқбол бўлиб раҳнамо,  
Қизингви билиб лойиқ  
Хон ҳазрат қилса қаллиқ,  
Паноҳ бўлса тожу тахт,  
Борми бундан ортиқ бахт?!  
Етишдинг муддаога,



Қўлингни оч дуога!  
...Не қиларин билмас чол,  
Қандай айтсин арзи ҳол?!  
Сукутга қотди узоқ,  
Совчилар тоқати тоқ  
Ундан дуо кутишар,  
Бирон сазо кутишар.  
— Бўл, чўпон, тез бер жавоб,  
Хонга етказсак шитоб,  
Ортиқ бўлмай хору зор,  
Бошингга тўкилгай зар.  
Чўпон деди: — Шошманглар,  
Хонга рад сўйлаб бўлмас,  
Ҳаттоки ўйлаб бўлмас.  
Лекин қизим ҳеч қачон,  
На хону, на қўйчивон  
Қаллиғи бўлмай ўтар,  
Ишқ надир — билмай ўтар.  
Чунки у эмас аёл,  
У — орзу, у — бир хаёл.  
Арзи додимга жавоб —  
Уни қодир офтоб  
Эҳсон этгандир менга,  
Нақд жон этган менга.  
Қариб-чуриган жонни,  
Тез ўлгувчи чўпонни  
Осмон қизи гўё шам,  
Кўнглига бўлиб ҳамдам,  
Ҳаёт сақлаб туради,  
Бурчин оқлаб туради.  
Унингсиз мен ўлурман.  
Тупроққа тенг бўлурман...

Бу сўзлар ботиб нақ ўқ,  
Совчилар қилишди дўқ:

— Уйлаб гапир, эй чўпон,  
Чўпчагинг буткул ёлгон.  
Бу не журъат, не юрак,  
Хато йўлдап қайт, тентак!  
Густоҳлик қилсанг агар,  
Жонингга бор-ку хатар!  
— Ҳм-м... Жонга хатар денглар!  
Хон осар-чопар денглар!  
Улимдан қўрқмам зинҳор,  
Менга азиз номус — ор:  
Сўз берганман Қуёшга,  
Не тушса ҳам бу бошга  
Сўзимдан қайтмагайман,  
Розилик айтмагайман!  
...Гапни чўзмай совчилар,  
Хондан келган довчилар  
Жаҳл пла қўзғалишди,  
Саройга йўл олишди.



Чўпон қолди ҳайрон, лол,  
Боши эгик, қадди дол,  
Қошига унинг шу дам,  
Чиқди қизп ҳур санам.  
— Отажоним — падарим,  
Сўзларингизнинг барин  
Эшитдим, минг ташаккур!  
Мен кўк қиз, қутлуг нур  
Токи, менинг сиздайин  
Ғамхўрим экап тайин,  
Нур севгувчи инсонлар,  
Шуъла мисоли жонлар  
Ерда улуғ бўлгайлар,

Суяк, қутлуг бўлгайлар.  
Энди тингланг! Бу замон  
Хон от қўяр биз томон!  
Келса, оёқ тираманг,  
Бекор қилиб турманг «жанг»,  
«Ол, майли, денг, қизимни,  
Бердим, денг, юлдузимни!»

Чўпон баттар энтикди,  
Қизига зор кўз тикди:  
— Яна ёлғиз қолайми,  
Якка махов ўлайми?!  
— Иқбол қилсин наззора  
Қилсангиз айтганимни,  
Мот қилурсиз ғанимни!  
Мени олиб кетгач хон,  
Хиёл оқарганда тонг,  
«Унинг жойи кўшқда, денг,  
Кўшқдан баланд кўкда, денг!»  
Шуни айтсангиз агар,  
Тезда қайтурман, падар!

\*       \*  
\*

Юз бергандек бир офат,  
Хон дарғазаб, бетоқат.  
Манглайни қоплаб булут,  
Юртни босган каби дуд,  
Эълон айлаб ўз амрин,  
Совчиларнинг ҳар бирин  
Урғизиб етмиш таёқ,  
Худди шу лаҳзадаёқ  
Юриш қилди беаёв!  
Шовқинга тўлиб яйлов

Даҳшат билан келди хон  
Ва жар солди: — Ҳей, чўпон!  
Қизи борнинг язи бор!  
Қайда сендай този бор?!  
Қани, қизинг чиқсин тез,  
Қимирла, ҳей, бўлма без!

Қаҳрп қўзди чўпоннинг,  
Жаҳли ўзди чўпоннинг,  
Эсидан чиқди тамом  
Зухраси айтган калом!  
Боқмай орти-ўнгига,  
Парво қилмай сўнгига,  
Қаргаб қолди-ку хонни,  
Шундоқ кўзи қон жонни!  
Ҳукмдор эса шу он  
Қилич сермаб ногаҳон,  
Чолни чопиб ташлади,  
Уйга қадам ташлади!  
...О! Бирдан, шу аснода  
Қалқди-ку остонада  
Зухра қиз — нурли хилқат,  
Гўё қуёш битган хат!  
Барча лол қотиб қолди,  
Нур ичра ботиб қолди.

Шуъладан кўз қамашиб,  
Ҳам ақлдан адашиб,  
Хон ҳам гаранг турган чоғ,  
Зухра қиз ёзиб қучоқ,  
Отаси узра келди,  
Нур ёш тўкиб эгилди.  
Оҳиста ўпиб чолни,  
Юзига тортиб шолни,  
Ўзи ҳам бир зум тинди,

Жасад узра ўтинди:  
— Сен пок бир олов эдинг,  
Покликда ялов эдинг!  
Кўк нур берди — қувондинг!  
Ўзинг ҳам нурдек ёндинг!  
Унга жон айлаб фидо,  
Сақладинг жондан аъло!  
Хайр! Мен қизинг бўлиб,  
Орзу юлдузинг бўлиб,  
Уфққа йўл оларман,  
Унда мангу қоларман!

\*            \*

\*

Шу пайт солиб гулдирак,  
Кўзгалиб етти фалак,  
Бир ўт портлади чунон,  
Ёришди тун зимистон.  
Кўкда бир юлдуз ёнди,  
Уфқ ҳам оловланди.  
Тонг отди, чиқди қуёш,  
Олам бўлди нурга чош.

\*            \*

\*

Ўт ичра қолиб ул дам,  
Ёниб кетганмиш хон ҳам.  
Ва ҳар кун энди тонгда  
Балқигувчи осмонда —  
Зухра юлдузи эмиш,  
Чўноқнинг қизи эмиш.

(Эртас)

Хабар етди ногаҳон.  
 Билсам, анчадан буён  
 Хастамиш бир танишим,  
 Даркор хабар олишим.  
 Дилга тушиб ташвиш — ғам,  
 Етиб бордим ўшал дам.  
 Қай кўз билан кўрайини,  
 Қай сўз билан сўрайини,  
 Аҳволи ёмон эди,  
 Ранги заъфарон эди.  
 Очолмасди кўзини,  
 Йўқотганди ўзини.  
 Этсиз, қонсиз устихон —  
 Тошширган мисоли жон —  
 Етарди афтодаҳол,  
 Қуруқ шох-шабба мисол.  
 На кетиш, на қолишни,  
 На афсус, на болишни  
 Билмай, хаёлга толдим,  
 Оғир аҳволда қолдим:  
 Беморнинг баданидан —  
 Хасталик масканидан  
 Чиқди ажиб овозлар,  
 Таъна-ю эътирозлар...  
 Бу надир деб тикилсам,

Асли маънисин билсам:  
Тандаги барча аъзо,  
Гўё бир давра аҳо  
Тилга кирмишлар бу чоқ,  
Кўз, Тил, Юрак, Қўл, Оёқ,  
Жигар, Упка, Ошқозон —  
Барчаси зору гирён,  
Фарёд чекар эдилар,  
Тинмай сўкар эдилар.  
Нечун стар Матниёз?  
Недандир бу инқироз?  
Хасталикка не боне? —  
Барисини юз фоиз  
Билмоқни истардилар,  
Бир-бири қистардилар.

#### А қ л:

— Адолат номидан суд —  
Иш бошлар, сақланг сукут!  
Судланувчи — Матниёз,  
Гуноҳлари беқиёс.  
Сиз, биз — холис хизматкор,  
Амрига доим тайёр.  
У эса бир бевафо,  
Қилди бизга кўн жафо.  
Энди қилманг юз-хотир,  
Шу мажлисда сиз ҳозир,  
Тўқнинг оҳу зорингиз,  
Айтинг дилда борингиз.

#### К ў з:

— Билмасмидинг, эй Одам,  
Сенга бу улкан олам

Мен туфайли жилвагар,  
Мен туфайли мунаввар.  
Мен бўлмасам мабодо,  
Кўрмас эдинг дунёда  
На ёруғ, на зулматни,  
На шакл, на суратни.  
Гўзалликни, рангни ҳам,  
Олтинни ҳам, зангни ҳам,  
На қиёсни, на фарқни —  
Билмасдинг ғарбни, шарқни.  
Кўрмай соғу сўлингни,  
Топмай юрар йўлингни,  
Гумроҳ бўлардинг менсиз,  
Арвоҳ бўлардинг менсиз.  
Аммо сен билмай қадрим,  
Зулм этдинг, битди сабрим.  
Кўрдим не-не ишларинг,  
Талай бад қилмишларинг.  
Билмай босар-тусаринг,  
Юрган йўлинг, гузаринг —  
Ҳар томонга суқ солдинг,  
Менга гўё ўқ солдинг.  
Биров бўлса омадли,  
Боқдинг мудом ҳасадли.  
Гоҳ тикилдинг беибо,  
Гоҳи очкўз, беҳаё.  
Мансабга минган чоғинг  
Кўтарилди димоғинг.  
Боқмадинг дўст-ёрингга,  
Мен қолдим озорингга.  
— Кўрми? — қилдилар таъна,  
Бекинсам, қайда пана.  
Қараб ҳаром-ҳаришга,  
Кўн қолдирдинг қарғишга.  
Хуллас, қилсанг не гуноҳ,



Ҳаммасига мен гувоҳ.  
Энди билки, Матнӣёз,  
Дастёрликдан кечгум воз.

Қ ў л:

— Аввало, инсон отинг,  
Меҳнатда камолотинг,  
Касбу ҳунар ҳаммаси  
Қўл туфайли эмасми?  
Ўзгартирмоқ дунёни,  
Бўстон қилмоқ саҳрони,  
Бу — менинг ҳунаримдир,  
Санаш қийин бирма-бир.  
Фазсларга парвозда.  
Торда, созда, пардозда,  
Хуллас, ҳар қандай ашё,  
Ишламас менсиз асло.  
Уйингга келса меҳмон,  
Мен қўяман дастурхон.  
Менсиз битмас иш тўкис,  
На рақс бўлар, на бокс.  
Хавfli дамда неча бор,  
Ўзим бўлдим халоскор.  
Ҳар доим сенга ёрман,  
Хизматда фидокорман.  
Эсиз шунча хизматим,  
Билмай қадр-қимматим,  
Қўйдинг мени балога,  
Солдинг турли савдога.  
Нафс олдида бўлдинг қул,  
Кўплар деди: «эгри қўр»,  
Эсингдами у жанжал?  
Пулга урганинг чангал?  
Кириб ўзга ҳамёнга,  
Қолганман пушаймонга.

Емонларга қўл бердинг,  
Бад нафсингга йўл бердинг.  
Бахтингни ушлолмадинг,  
Вақтимни хушлолмадинг.  
«Қўли очиқ» деган сўз,  
«Дасти дароз» деган сўз  
Менга насиб бўларми?  
Бундай ишаб бўларми?  
Энди билки, Матинёз,  
Дастёрликдан кечгум воз.

О ё қ:

— Бир бино — инсон жисми,  
Мен уступман бамисли.  
Ҳаётсанки, э, одам,  
Мен билан қўйгунг қадам.  
Чиқсанг йўлга қай томон,  
Етказаман шу замон.  
Хоҳ ишдами, хоҳ йўлда,  
Хоҳ нёвми, хоҳ рулда,  
Хоҳ саёҳат, хоҳ овда,  
Ҳатто қорда — қировда  
Одимларим шахдамдир,  
Юмушсиз вақтим камдир.  
Ишинг менсиз битмагай,  
Қиёмига етмагай.  
Ҳайронманки, негадир  
Мен бўлибман беқадр.  
Эгри йўл — сўқмоқларда,  
«Балчиқда, ботқоқларда»  
Қолиб кетган изим бор,  
Бунга сендан изм бор.  
Едингдами, эй одам,  
Чакки босганинг қадам?

Ҳадеб қоңилганларинг,  
Оҳу воҳ қилганларинг?  
Эсдами, юриб саёқ,  
Кимлардан едннг таёқ?  
Доим «чапта» бошлардинг,  
Ёмси сафга бошлардинг,  
Эгри юриб, қолмай ҳол,  
Тинкам қуриб, бўлдим шол.  
Қолдим не-не бўҳтонга,  
Ёмон феъл — озор жонга.  
Ярашмай пойқадамим,  
Ичга ютдим алашим.  
На иссиқ, на совуқни,  
На заҳни, на қуруқни  
Фарқламадинг, оқибат —  
Мен орттирдим дард — иллат.  
Энди билки, Матниёз,  
Дарстёрликдан кечгум воз.

#### О ш қ о з о н :

— Сенга аён, эй, инсон:  
То бор экан танда жон,  
Яшаш шарти — овқатдир,  
Овқат танга қувватдир,  
Кимки оч — қадди эгик,  
Бўш қоп қачон тургай тик.  
Овқатни еган билан,  
Таскин топса ҳам бадан,  
Иш ҳали бўлмас таом,  
Муҳими — ҳазми таом.  
Шу хизмат — зиммамдадир,  
Шу ташвиш ҳар дамдадир.  
Сенга қилиб итоат,  
Ишлаб келдим беминнат.

Лекин сен бефарқ эдинг,  
Овқат деса — гарқ эдинг.  
Баъзан қуюқ бўлса-да,  
Қуруқ, суюқ бўлса-да,  
Ликёр, коньяк, ароқлар.  
Турфа «май»лар, «шароб»лар,  
Ҳолва, шавла, балиқ, гўшт,  
Не дуч келса қилдим «нўш».  
Хуллас, соп бўлиб қолдим,  
Йиртиқ қоп бўлиб қолдим.  
Энди билки, Матнӣёз,  
Дастёрликдан кечгум воз.

\* \* \*

Сўзлаб бўлгач ошқозон,  
Жимлик чўкди бир замон.  
Шу пайт Қулоқ диккайиб,  
Гап қилган бўлди койиб:  
«Мажлис ҳам зан чўзилди,  
Қаттиқ-қурум сўз бўлди.  
Танқид, таъна, шикоят  
Ҳаддидан ошди гоят.  
Сўз бўларми бунчалик,  
Кўп ўтирдик, чарчадик,  
Сўзловчилар кўп ҳали,  
Сўзнинг ози мазали.  
Ўртоқ Ақл, Сиз — раис,  
Ёнмаса тузук мажлис.  
Қуруқ гапдан не фойда,  
Сўз тўхтасин шу жойда...»  
Ақл пича шошгандек,  
Хавотирга тушгандек,  
Салобат-ла қўзғалди,  
Атрофига кўз солди:

Сўз сўрамай Тил шу он  
Сайрай бошлади чунон.

Т и л:

— Ҳақ гапни айтди Қулоқ,  
Мажлис чўзилди узоқ.  
Лекин бор бир илтимос,  
Сукут менга эмас хос.  
Инсон қилган инсонни,  
Аён этган ниҳонни,  
Бу — Тилнинг хосияти.  
Тилдадир дил нияти.  
Калитман — дилни очгум,  
Сизга сўзлай махфий сир,  
Бир сирки, саргузаштдир.  
...Иши қизик жаҳоннинг,  
Аслида мен инсоннинг  
Бошида гултож эдим,  
Авжим зўр-ривож эдим.  
Баландда эдим бошдан,  
Нур эмардим Қуёшдан.  
Феълим айниди қурғур,  
Ошди такаббур, ғурур.  
Давдаға қилдим Бошга:  
«Мен бошқа-ю, сен бошқа,  
Инсон умри менга банд,  
Сендан обрўйим баланд!»  
Бошнинг ошди ғазаб,  
Қайнаб кетди асаби.  
Солди мени бу кунга,  
Қолдим расо қувғунга,  
Тиқди бир тор маконга,  
«Оғиз деган зиндонга.  
Лаб — зиндоннинг қулфидир,

Тишлар — соқчи бир умр.  
Шу манманлигим учун,  
Мана, аҳволим забун,  
Жопим неча ўртанди,  
Яшайман мангу банди.  
Лекин бутун бадапчи,  
На бадан, сийм-танни  
Кимдир қилса-ю адо,  
Нечун олмайди жазо?!  
Энди тингланг арзимни,  
Сўнг чақинг гап мағзени.  
Айтилди бунда такрор,  
Ҳа, Матниёз гуноҳкор!  
Қолиб унда қоқ гавда,  
Ётибди гўё мурда.  
Лекин даркор адолат,  
Адолатда — шарофат.  
Менда шундай савол бор:  
Ким ҳақиқий айбдор?  
Биримиз чиқсак йўлдан,  
Айб ўтса Кўз ё Қўлдан —  
Тафтиш қилувчи кимдир?  
Йўлга солувчи кимдир?  
Ким бизларга жипловдор?  
Кимда бизнинг ихтиёр?  
Йўл кўрсатган сардор ким?  
Аъзолар хулқ-атвори,  
Ҳар бежо кирдикори  
Ва гуноҳлари учун  
Сарҳисоб куни бугун,—  
Бош гуноҳкор ким, айтнинг,  
Биз тинглайдик жим, айтнинг!  
Ақл вазмин қўзғалиб,  
Сўз ташлади йўталиб,  
— Баракалло, сенга Тил,

Омон бўлгин минг-минг йил.  
Ушбу саволга Юрак —  
Жавоб бермоғи керак!  
У танга хоқон эрур,  
На хоқон, қон — жон эрур.  
«Тўғри, тўғри!» — дедилар,  
Юракни нақ едилар.  
— Ҳой, ярамас, бер жавоб,  
Бизни қилибсан хароб.  
Қор қилмай танқид, таъна,  
Нега жимжитсан лна?

### Ю р а к:

— Тўғри, азиз Юракман,  
Умрга мен тиракман.  
Менман — орзуга қанот,  
Менман — жасорат, сабот.  
Жаъмики яхши ҳислар,  
Хаёлдаги юлдузлар  
Бари мендан учадн,  
Фазоларни қучадн.  
Лекин эзгу ўйларим,  
Энг самимий куйларим  
Ижобат этилмаса,  
Инобат этилмаса,  
Шаҳдам бошқармасалар,  
Бир йўлга солмасалар,  
Мен қандай Юрак бўлай,  
Умрга тирак бўлай?

\* \* \*

Жим қолишди аъзолар,  
Тинди луқма, сазолар.

Сўнг бирдан қўзгалишди,  
Юракка қўл солишди,  
— Хўш, ахир ким гуноҳкор:  
Сендан масъулроқ ким бор?!  
Юрак эгиб бошини,  
Юм-юм тўкиб ёшини  
Ақлга қараб олди,  
Ҳасратин тўкиб солди:  
— Гапнинг ростини айтсам,  
Яшаш учун чинакам,  
Тана яйрасин учун,  
Ҳаёт қайнасин учун,  
Топмоқ учун тўғри йўл,  
Чўзмоқ учун бахтга қўл.  
Теран ақл даркордир,  
Тийран ақл даркордир...

\* \* \*

«А, Ақл?..» Қўл ва Оёқ,  
Ошқозон, Кўз-у Қулоқ,  
Борингки, бутун бадан  
Шу аснода дафъатан  
Бирдан жунбушга келди,  
Гуёки ҳушга келди...

\* \* \*

Сўнг нима бўлганини,  
Улар не қилганини,  
Илгай олмасдан қолдим,  
Узоқ хаёлга толдим.  
Матниёзнинг ёшлигин,  
Қўрслиги, бебошлигин,  
Кимсани кўзга илмай,



Меҳнатга рағбат қилмай,  
Ҳеч кимни тинғламасдан,  
Ҳаётни англамасдан  
Юрган чоғин эсладим.  
Барин тағин... эсладим.

\* \* \*

Яна нима? Бор гап шу,  
Ана шундоқ эртақ бу.

Оппоқ қор пага-пага —  
Тинмади ёга-ёга.  
Деразадан қарайман  
Ва момомдап сўрайман:  
Айтинг, қор нега оппоқ?  
Момом дер: — ўзи шундоқ.  
Сўроқлайман мен такрор:  
— Нима учун ёгар қор?  
Қиш келдими ҳар қачон,  
Тўшар оппоқ дастурхон?  
Момом қолиб бирпас жим,  
Дейди: — Шошлма, ўғлим.  
Салгина катта бўлсанг.  
Етти ёшингга тўлсанг,  
Сен мактабга борасан,  
Барин билиб оласан.  
Ҳозир-чи, сенга, қўзим,  
Тингласанг ўлтириб жим.  
Ул оппоқ қор ҳақида,  
Ушал асрор ҳақнда  
Бир эртак бор, айтаман,  
Кўп қадимга қайтаман.  
...Бир замонлар табиат  
Бебадалу беминнат  
Борлиққа ёйиб бутун —

Тўқар экан кўкдан ун.  
Ўтган чоғи олтин куз,  
Дастурхондск, дала-туз  
Ун билан тўлар экан,  
Тўқинлик бўлар экан.  
Ҳар ким қўлда қоп билан,  
Қаноат, инсоф билан  
Бу хирмисга келаркан,  
Керагича оларкан.  
Қиш бўйи ҳар хомадон  
Яшаркан тўқ, фаровон.  
Аммо бу саховатда —  
Кўкка хос бу одатда  
Ажиб бир сир бор экан —  
Бир ҳикматга ёр экан:  
Токи ҳар бир инсоннинг —  
Инъом тилаган жоннинг  
Қалби пок бўлсин экан,  
Қордай оқ бўлсин экан.

\* \* \*

Шундай кечди кўп замон,  
Кечди кўп даври даврон.  
Ўғин зўрайган паллалар,  
Қамайганда ғаллалар,  
Кўкдан ун ёғаверди.  
Ризқу рўз оқаверди.

\* \* \*

Лек бор эди эл аро  
Бир кимса ичи қаро.  
Бадфеъл унга ёр эди:  
Тайёрга айёр эди.

Табиатнинг ҳимматин,  
Қишда берган неъматин  
Керагидан ошириб.  
Ёз учун ҳам яшириб,  
Қўймоқ истади у шум,  
Бирон жойга этиб гум.  
Кўзларида суқ ёниб,  
Муз ёниб, совуқ ёниб,  
Далани топтайверди,  
Унларни қоплайверди.  
Унинг бу талашидан,  
Муз каби қарашидан,  
Ерни қоплаб ётган ун  
Сувга айланиши бутун...

\* \* \*

Тонг отиши биланоқ,  
Кун болқиши биланоқ  
Музларга нур тегипти,  
Бир оз ҳовур тегипти.  
Ва ахир оқ дастурхон  
Ўшал ун — тўкин хирмон  
Эриб сойга дўнипти.  
Шу-шу ҳатто кўкдан ҳам,  
Энди қиш келса ҳар дам,  
Унмас, қор ёғар бўпти,  
Табиат ўжар бўпти...

\* \* \*

Шундай деб момом, тағни —  
Яқунлади эртагин:  
— Шу очкўзнинг нафсидан,  
Шу ёмоннинг касридан

Қуриб мавж урган дарё,  
Тортмиш юрт талай жафо.  
Аммо кутмади инсон  
Табиатдан хайр-эҳсон  
Ёғмаса-да кўкдан ун,  
Юрмади ғариб, тушкун.  
Ишлаш, жон куйдиришни,  
Ердан нон ундиришни  
Қасби кор қилиб олди,  
Бахт қайда билиб олди!

## БОЙ УҒЛИ

(Эртак)

Бор эканда, йўқ экан,  
Оч экапда, тўқ экан.  
Бурун ўтган замонда,  
Гурлан деган томонда.  
Яшар эди Бойбўри,  
Бойларнинг бойи, зўри.  
Бор эди бир фарзанди,  
Эрка, таптиқ, арзапда.  
Бойназар экан оти,  
Отасининг қаноти.  
Савлатп-ку соз экан,  
Лекин ақли оз экан.  
Етиб мактаб ёшига,  
Илм кярмабди бошига.  
Савод чиқмай олифта,—  
Тўхтаб қопти «алиф»да.  
Ўтар эди ой-кунлар,  
Ўрганмади иш-ҳунар.  
Отасининг бойлиги,  
Яна ҳотамтойлиги —  
Магрур қилганди унй,  
Ўйнаб ўтарди куни.  
Кўп эди жўра-ёрон,  
Дўсти жонмас, дўсти нон...

Бойназар — мисли чироқ,  
«Дўст» лар парвона ҳар чоқ.  
Базм аро у ҳилол,  
Бошқалар юлдузмисол,  
Не деса ҳам ҳақи бор.  
Сўзи товар эътибор.  
Елғон-яшиқ бўлса ҳам,  
Оғзи қийшиқ бўлса ҳам,  
Бойнинг ўғли сўзларди,  
Маъқулларди «дўстлари».  
Хушомадга бўлмай ҳад,  
Таъзимлар ҳам қатма-қат —  
Бойназар мамнун чандон,  
Ўзи хон, ўзи султон...

\* \* \*

Ота-чи, жон-дилидан  
Фарзандининг феълидан  
Азият тортар эди,  
Ташвиши ортар эди,  
Қиларди насиҳатлар,  
Қиларди ўғит-пандлар.  
Лекин ота пандлари  
Елга учарди бари.  
Ақлга кирса зора,  
Елғиз фарзанд! Не чора?!  
Бир кун дебди Бойбўри:  
— Эй ўғлим, кўзим нури,  
Ешим тўқсонга тўлди,  
Умрим фасли куз бўлди.  
Дувёдан олдим ҳақим,  
Яқиндир кетар вақтим  
Сен эса ғафлатдасан,  
Айш ила ишратдасан.

Бундоқ ҳаёт кечирсанг,  
Бир кун бўлур ҳолинг танг  
Қўлдан кетиб мол, ашё,  
Бўлгайсан охир гадо.  
Ёр-улфат қочиб йироқ,  
Ошнанг бўлар ғам-фироқ,  
Тентиарсан хору зор.  
Сўзинг топмай эътибор,  
Бурдинг кетиб эл аро,  
Бўлажаксан масхара.  
Оқибат, тўйсанг жонга,  
Етса тиг устухонга,  
Аҳволингдан ор қилиб,—  
Ўлмоқ бўлсанг осилиб,—  
Арқон топмай бир қулоч,  
Бировга бўлма муҳтож.  
Отхонага кириб боқ,  
Ясаб қўйдим бир сиртмоқ...  
Ота кўз юмди. Бироқ,  
Ўчмади уйда чироқ.  
Қуриса ҳам кекса тол,  
Ўрнида қолди «ниҳол»  
Қаторда бор Бойназар,  
«От ўринни той босар».  
Шу эди эл оғзида.  
Шу маъно гап мағзида.  
Аммо ёнса ҳам чироқ,  
Нури эди хирароқ.  
Аввалги кори-бори  
Шу феъли, шу атвори,  
Яшар эди Бойназар,  
Чор тарафга сочиб зар.  
Базм қурди, айш сурди,  
Мол-мулкани совурди.  
Кунлар ўтди пайдар-пай,



Қимор ўйнаб, ичиб май.  
Қўйи, моли ҳам оти,  
Отасининг бисоти  
Учди бари ҳавога,  
Ўхшаб қолди гадога:  
На ҳаловат, на ҳузур,  
Қорни тўйса минг шукур.  
Дўстлар илтифоти ҳам  
Йўқ бўлиб кетди кам-кам,  
У кўзларни ёшладн,  
Хор-зор яшай бошлади

\* \* \*

Бир кун у ётиб қолди,  
Оч-наҳор ўйга толди:  
«Ақлдан оздимми ё?  
Тугалдим, тўздимми ё?  
Мендек қашшоқ, дарбадар  
Элда бўлмас мўътабар.  
Бир девона, тентакман,  
Кимга энди керакман?  
Бу юришдан афзалроқ  
Энди осилмоқ, ўлмоқ».  
Шу бўлди ихтиёри,  
Қасди жон — қалб қарори.  
Естиққа босиб юзин,  
Эслади ота сўзин:  
«Бир куни тўйсанг жонга,  
Етса тиг устухонга,  
Аҳволингдан ор қилиб,  
Ўлмоқ бўлсанг осилиб,  
Арқон топмай бир қулоч,  
Бировга бўлма муҳтож.  
Отхонага кириб боқ,  
Ясаб қўйдим бир сиртмоқ...»

Отаси айтганидек,  
 Тайнилаб кетганидек,  
 Қасд қилғали жонига,  
 Келди сиртмоқ ёнига.  
 Юмди икки кўзини,  
 Дорга осди ўзини...  
 Бирдан... Узилди арқон,  
 Ерга йиқилди ўғлон,—  
 Бошига зар сочилди,  
 Кўзи мошдек очилди:  
 Кўрса, сиртмоқнинг учи  
 Зар сандиқни очувчи —  
 Мурватга пайванд экан,  
 Тилсимга монанд экан!  
 Сири шуки, алқисса,  
 Агар сиртмоқ тортилса,  
 Тилла сандиқ очилар,  
 Дур-жавоҳир сочилар!  
 Бу не ҳикмат, не тилсим?  
 Бундоқ ихтирони ким —  
 Кашф қилмоққа бақодир?!  
 — Бу отадир, отадир!

\* \* \*

Бойназар энди ҳушёр —  
 Турарди кўнглида ор.  
 Қалбида ажиб ҳис-ла  
 Отажонини эслар:  
 «Ўзи кетса ҳам ўлиб,  
 Тупроқ ичра кўмилиб,  
 Меҳр-шафқати ўлмабди,  
 Тупроққа кўмилмабди...»

Ва у зарларни тптпб,  
Топпб олди бир мактуб:  
«Ушбу бойликни, ўглоп,  
Яна айласанг хазон,  
Қолсанг хору бетадбир,  
Яна отхонага кир.  
Ўйлаб ўтирмай узоқ,  
Бўйинингга солгин сиртмоқ,  
Бу гал ҳам йиқиларсан,  
Яна тирик қоларсан.  
Лекин бу гал эсда тут,  
Устингга тушар тобут!»

\* \* \*

Сўнгига етди қисса,  
Ҳар ким чиқарсин ҳисса.

Қаламкаш Фозил Зоҳид шеърятга узоқ йиллар мухбирлик қилиб юриб қаламини чиниқтириб кириб келган ижодкорлардан. Унинг биринчи шеърлари матбуотда эллигинчи йилларнинг аввалларидан кўрина бошлаган бўлса ҳам, ижоди айниқса, кейинги даър мобайнида равнақ топди.

Фозил Зоҳид 1926 йилда Хоразмнинг Гурлан атрофларидаги Эшимжирон қишлоғида тугилган. У СамДУнинг филология факультетини сиртдан ўқиб битириб чиққан. 1943 йилдан Гурлан район «Колхозчилар овози» газетасида адабий ходим бўлиб ишлай бошлаган. У шундан бери ҳануз мухбирлик қаламини бир дам бўлсин қўлдан қўймай хизмат қилиб келади. Фозил Зоҳид 1965 йилдан «Совет Ўзбекистони» газетасининг Хоразм область махсус мухбири сифатида фаол қалам тебратмоқда. Унинг кундалик ҳаётимизнинг актуал мавзулардаги мақолалари, шеърлари, ҳажвий асарлари республика газета ва журналларида мунтазам суратда чиқиб туради. Бу кунгача Фозил Зоҳиднинг «Ассалому алайкум» (1972), «Кўзлари пулда» (1974), «Туямўйин қўшиғи» (1975) сингари шеърый китоблари нашр этилгандир. Унинг шеърлари ва дostonларида Хоразмнинг кўҳна тарихи, унинг нурли бугуни, давримиз кишиларининг олижаноб фазилатлари, меҳнаткаш ўзбек деҳқонининг қаҳрамонлик ишлари куйланади. Фозил Зоҳид ўз асарларида ахлоқий гўзаллик, маънавий етукликни тарғиб қилади.

# МУНДАРИЖА

## Гужумлар диёри

|                                         |    |
|-----------------------------------------|----|
| *Гужумлар диёри . . . . .               | 6  |
| *Соҳилда Илйич кезар . . . . .          | 9  |
| *Шундай яшагинки . . . . .              | 10 |
| *Ҳақиқат . . . . .                      | 11 |
| *Фазогирларга . . . . .                 | 12 |
| *Гиёҳ . . . . .                         | 13 |
| *Ҳасан-Ҳусан . . . . .                  | 14 |
| *Хуш келибсан! . . . . .                | 16 |
| *Махтумқулига назира . . . . .          | 17 |
| Хоразмданмиз . . . . .                  | 19 |
| *Хоразмда янги йил термалари . . . . .  | 21 |
| *Лочин . . . . .                        | 23 |
| *Қомилжон Отаниёзов монологин . . . . . | 24 |
| *Қапитан . . . . .                      | 25 |
| *Шерали . . . . .                       | 26 |
| Рақамлар сўзлар . . . . .               | 27 |
| Марди майдонлар . . . . .               | 28 |
| Борбон . . . . .                        | 30 |
| Қутлов . . . . .                        | 32 |
| 8-Март кунида . . . . .                 | 34 |
| Пахта тўйи ёр-ёри . . . . .             | 36 |
| Қовун . . . . .                         | 38 |
| Байрам мисралари . . . . .              | 40 |
| Қишлоқда байрам кечаси . . . . .        | 41 |
| Ошиқ-маъшуклар . . . . .                | 42 |
| «Ассалому алайкум» . . . . .            | 44 |
| Нима деркин дадаси? . . . . .           | 45 |
| «Қасал» . . . . .                       | 47 |

## Томчилар тош тешади

|                      |    |
|----------------------|----|
| Тўртликлар . . . . . | 50 |
|----------------------|----|

|                                          |   |
|------------------------------------------|---|
| Илтимос . . . . .                        | • |
| Тухмат қилма Хайёмга! . . . . .          | • |
| Дангаса . . . . .                        | • |
| Қалпоқ . . . . .                         | • |
| Бир дарднинг давоси . . . . .            | • |
| Такасалтангининг коммунизм ҳақида ўйлари | • |
| Игвогар жон талвасада . . . . .          | • |
| Такаббурга салом берманг . . . . .       | • |
| Хомтама . . . . .                        | • |
| Қурбоннинг саргузашти . . . . .          | • |
| Баъдабоз . . . . .                       | • |
| Икки учратиш . . . . .                   | • |
| Эшикни ёп . . . . .                      | • |
| Фолбин . . . . .                         | • |
| Тарсаки . . . . .                        | • |
| Дангасанинг ҳафтаси . . . . .            | • |
| *Хотинсиз ўтган бир кун . . . . .        | • |
| Масаллар . . . . .                       | • |
| Нуқта ва ундов . . . . .                 | • |
| Текин ўлжа . . . . .                     | • |
| Икки спгир суҳбати . . . . .             | • |
| Арслон . . . . .                         | • |
| Кўк қарга ва мусича . . . . .            | • |
| Эшак ва ҳакка . . . . .                  | • |
| Серсавлат така . . . . .                 | • |
| Мақтанчоқ терак . . . . .                | • |
| *Икки чироқ . . . . .                    | • |
| «Таниш оҳангларда» циклидан . . . . .    | • |
| Ялқов эркаклар яллasi . . . . .          | • |
| Зарпечак . . . . .                       | • |
| Эксаммикин ё экмасам . . . . .           | • |
| Нотай . . . . .                          | • |
| Кўзлари пулдадир, пулда . . . . .        | • |
| Бормисан . . . . .                       | • |
| Ҳай, қудалар, қудалар . . . . .          | • |
| Ухшайди-ку . . . . .                     | • |
| Бир қассоб таърифи . . . . .             | • |
| Текинхўрга . . . . .                     | • |
| Дипломим . . . . .                       | • |
| Уйда кампир бўлмаса . . . . .            | • |
| Яли-яли . . . . .                        | • |

|                                      |     |
|--------------------------------------|-----|
| Очилмай тур . . . . .                | 116 |
| «Таргил» айтур . . . . .             | 117 |
| Қайдадир . . . . .                   | 118 |
| Мен йигламай, ким йигласин . . . . . | 119 |
| *Қизгинам . . . . .                  | 120 |
| *Айтишув . . . . .                   | 121 |
| *Ферма терма . . . . .               | 123 |

### Х о р а з м д а н м и з

|                            |     |
|----------------------------|-----|
| Туямўйини қўшиғи . . . . . | 126 |
| *Обидалар . . . . .        | 139 |
| *Зухро юлдузи . . . . .    | 148 |
| Ғаройиб мажлис . . . . .   | 158 |
| Қор афсонаси . . . . .     | 170 |
| Бой ўғли . . . . .         | 174 |

ФАЗИЛ ЗАХИД (ЗАХИДОВ)

К Р А Й   К А Р А Г А Ч Е Й

*Стихи, сатира, поэмы*

Редактор *А. Шарипов*  
Рассом *А. Богдасарян*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *Ш. Соатова*

Босмахонага берилди 10/VIII-76 й. Босинга рухсат этилди 20/V-1977 й. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 5,75. Шартли босма л. 6,73. Нашр. л. 5,16. Тиражи 10000. Р. 09539. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 42-76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Янгийўл, Самарканд кўчаси, 44. 1977 й. Заказ № 98. Баҳоси 85 т.